

**«МАҲАЛЛА РАИСИ ТАЛАБЧАН БЎЛСА,
РАҲБАРЛАР УНГА ҲИСОБ БЕРАДИ»**

2

**ФАОЛ ФУҚАРОЛАРГА КОМПЕНСАЦИЯ
ПУЛЛАРИ ТЎЛАБ БЕРИЛЯПТИМИ?**

9

Mahalla



www.xolisnazar.uz @xolis_nazar @xolisnazar

ШАНБА, 6 АВГУСТ, 2022 ЙИЛ №31 (2065)



ДИЛБАР ДАВРА БУГУНГИ ТИНЧ ВА
ФАРОВОН КУНЛАР, ОБОД МАСКАНЛАР,
МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА
БАҒРИКЕНГЛИКДА БУГУНИДАН РОЗИ
БЎЛИБ УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛАЁТГАН
ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ШУКРОНАЛИККА
ЙЎҒРИЛГАН СУҲБАТЛАРИГА БОЙ БЎЛДИ



Элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнайверади

3-саҳифада.

**РАҲБАР, АЛБАТТА,
МАҲАЛЛАДА ИШЛАГАН,
МУАММОЛАРНИ
ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРГАН
БЎЛИШИ КЕРАК**

4

**«МАҲАЛЛА
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНДА
ҚАНДАЙ ВАКОЛАТ
ВА ВАЗИФАЛАР
БЕЛГИЛАНМОҚДА?**

6

**ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ҲАР БЕШТА ОИЛАДАН
БИТТАСИ НАФАҚА
ОЛАДИ**

8

СЕМИНАР

«Маҳалла раиси талабчан бўлса, раҳбарлар унга ҳисоб беради»

Айни кунларда республикада фаолият юритаётган маҳалла раислари учун ташкил этилган ўқув-семинарнинг якуний — бешинчи босқичи ўтказилмоқда. Айрим ҳудудларда эса машғулотлар якунланди ва раисларга тегишли сертификатлар берилди.



КОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида маҳалла раисларининг навбатдаги ўқув семинарлари ўтказилди. Унда 7 та — Амударё, Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа, Чимбой, Тахтақўпир ва Мўйноқ туманларидан жами 214 нафар маҳалла раислари иштирок этди.

Семинарнинг ўқув дастури маҳалла раислари билишлари лозим бўлган 18 та асосий мавзунинг ўз ичига олади. Мавзуларда маҳалла тизимининг ташкилий-ҳуқуқий асослари, раисларнинг асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқа қатор муҳим масалалар ёритилди.

— Ўқувда оилалардаги мухитни ўрганиш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш, маҳаллада барқарорликни таъминлаш омиллари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби масалаларга аниқ жавоблар олдик, — дейди Нукус шаҳридаги «Қутлук макон» маҳалласи раиси За-

мира Қутлумуратова. — Фаолиятимиз самарадорлигини оширишга қаратилган долзарб маърузалар қизгин савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга уланди. Машғулотлар нафақат долзарблиги, балки кенг қамровлилиги билан аҳамиятли бўлди. Унда маҳалла тизимидаги ҳеч бир йўналиш, ҳатто йиғинлар қошидаги жамоатчилик комиссиялари фаолияти эътибордан четда қолмади.

Семинар доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарлари иштирокида фуқаролар йиғини раислари билан учрашув ўтказди.

Учрашувда маҳалла тизимида олиб борилаётган ишлар, уларни бундан-да юқори даражага олиб чиқишда маҳалла раислари ҳар доим ҳаракатда бўлиши ҳамда халқнинг оғирини енгил қилиши кераклиги таъкидланди. Бир ҳафта

давомида тажрибаларини ортириб, тест синовларидан муваффақиятли ўтган 214 нафар фуқаролар йиғини раисларига сертификатлар топширилди.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ. Самарқанд давлат университетида Пахтачи, Тойлоқ, Ургут ҳамда Қўшработ туманларидаги 249 нафар маҳалла раислари иштирокида ўтказилган семинарда вилоят ҳокими Эркинжон Турдимов иштирок этди.

Вилоят ҳокими раисларнинг жамиятдаги роли ҳақида сўз юритиб, маҳаллада фаолият олиб бораётган ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, хотин-қизлар фаоли ва профилактика инспекторига бош бўлиши кераклигини таъкидлади.

— Маҳалла раиси маҳалланинг эгаси, етакчиси бўлиб ишлаши ва аҳоли ундан рози бўлиб яшаши керак, — деди Э.Турдимов. — Бешовлон аҳолининг муаммосини ўрганиши ва биргаликда ечим топиши лозим. Маҳалла раиси янги ғоялар, ташаббуслар билан тегишли раҳбарларга, туман

ҳокимларига, керак бўлса, вилоят ҳокимига чиқиши зарур. Агар ҳар бир маҳалла раиси халқнинг дарди билан яшаса, талабчан бўлса, раҳбарлар унга ҳисобот беради.

Учрашувда вилоят ҳокими ўз ишига масъулиятсизлик билан ёндашаётган айрим маҳалла раислари фаолиятини танқидий таҳлил қилди ва мавжуд муаммолар атрофича муҳокама этилиб, ечими юзасидан масъулларга топшириқлар берилди.

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи, 3-сектор раҳбари полковник Шухратжон Сотволдиев маҳалла раислари билан ҳудудларда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўзаро ҳамкорлик ўта муҳимлигини таъкидлади.

Учрашувда жиноятчилиги ошган маҳаллаларда унинг олдини олиш бўйича ҳамкорликни тўғри йўлга қўйиш, бунда «ижтимоий профилактика» тизимини жорий этиб, низоли оилалар ва аҳолининг «му-

аммоли тоифалари»дан келиб чиқиб, уларга «ташхис» қўйиш лозимлиги таъкидланди.

— Семинарда ўзимизни қизиқтирган барча керакли саволларимизга жавоб олдик, — дейди Шаҳрисабз туманидаги «Янгиобод» маҳалласи раиси Ботир Эрнза-ров. — Бугунги кунда ҳар бир оила кесимида тушунтириш ишлари олиб борилиб, оилалар фаровонлигини яхшилаш, даромад манбаларини кенгайтиришга катта эътибор қаратилляпти. Ўз навбатида маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш доимий эътиборимизда. Бундай очиқ ва жонли мулоқотлар фаолиятимиз самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Қарши давлат университетидаги мулоқотда Яққабоб, Шаҳрисабз, Чироқчи туманлари ва Шаҳрисабз шаҳридаги жами 200 нафардан ортиқ маҳалла раислари иштирок этди.

МУХБИРЛАРИМИЗ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Жавлон» идораси жорий йилдаги 100-бино бўлди



Жорий йил январь ойида Самарқанд вилоятидаги маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базаси таҳлил қилинганди, мавжуд 1126 маҳалланинг 86 таси ўз биносига эга эмаслиги, 40 та маҳалла бир хонали, 171 та маҳалла икки хонали бинода фаолият олиб бораётгани қайд этилганди.

Шунингдек, яна бир қатор маҳаллаларда етарли шарт-шароит мавжуд эмаслиги танқид қилиниб, ҳокимликлар ва сектор раҳбарларига, мутасаддиларга зарур топшириқлар берилган эди. Маҳаллий бюджет маблағлари ва ҳомийлик ёрдамлари, шунингдек, давлат-хусусий шериклик шартлари асосида йил давомида вилоят бўйича 194 та маҳалла учун янги бино қуришга қарор қилинди.

— Маҳаллада ишловчиларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайтириш, масъулияти ошди, — дейди Самарқанд вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи Исроил Жабборов. — Шу билан бирга, одамларнинг маҳаллага муносабати ўзгарди. Аслида ҳам шундай бўлиши керак. Ҳар қандай масалада одамлар, аввало, маҳаллага

боради, қувончу ташвиши маҳалла билан. Бу ерда ечим топмаган масала, муаммо кейин юқорига чиқади. Шунинг учун фуқаролар йиғинларида ходимлар ва аҳоли учун муносиб шароит бўлиши керак. Йил бошидаги таҳлиллар асосида вилоят ҳокимлигининг қўмағи билан барча туман ва шаҳарларда маҳалла фуқаролар йиғинлари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

Керакли маблағ ажратилди, ҳомийлар топилди, аҳолининг ўзи ташаббус кўрсатди. Натижада шу пайтгача вилоятда юздан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғини учун янги бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Жумладан, Самарқанд шаҳрида 11 та, Нарпай туманида 10 та, Ургутда 9 та, Қўшработда 8 та маҳалла янги бинога эга бўлди. Каттакўрғон туманидаги «Жав-

лон» маҳалласининг биноси вилоятдаги юзиччи янги маҳалла биноси сифатида тантанали очилди. Қисқа фурсатда янгидан бунёд этилган бинода раис ва бошқа ходимлар учун зарур шароитлар яратилди. Бошқарма ва «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бошқармаси томонидан мебель ва компьютер жиҳозлари берилди. Янги бионинг очилиш маросими эзгу ишга уланиб, маҳалладаги эҳтиёжманд оилалар фарзандларининг хатна тўйи ҳам ўтказилди.

Маълумот учун, вилоятда ушбу йўналишдаги ишлар изчил давом эттирилади ва август ойида 36 та, сентябрь-октябрь ойларида эса 70 та маҳалла фуқаролар йиғинлари учун янги бинолар фойдаланишга топширилади.

Муродилла ПЎЛАТОВ.

ЭХТИРОМ

Элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнайверади

ДИЛБАР ДАВРА БУГУНГИ ТИНЧ ВА ФАРОВОН КУНЛАР, ОБОД МАСКАНЛАР, МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИК ВА БАҒРИКЕНГЛИКДА БУГУНИДАН РОЗИ БЎЛИБ УМРГУЗАРОНЛИК ҚИЛАЁТГАН ҲАМЮРТЛАРИМИЗНИНГ ШУКРОНАЛИККА ЙЎҒРИЛГАН СУҲБАТЛАРИГА БОЙ БЎЛДИ

Биз ҳар бир ишда катталар маслагига таянадиган, кичик бир оилавий зиёфатдан тортиб, тўйларгача давраларимиз тўрини нуронийларимизсиз тасаввур эта олмайдиган миллат вакилларимиз. Шундай экан, кексаларга бўлган чексиз ҳурматимиз, улар олдидаги битмас-туганмас фарзандлик бурчимиз бизни улар дуосини олишга, уларни рози қилишга ундайверади. Бунинг яна бир ҳикмати шундаки, кексаларимизга бўлган бундай эътиборни кўрган фарзандларимиз ўз-ўзидан бу анъананинг давомчиларига айланиб, кексалар дуосининг олтиндан қиммат эканини англаб боришади. Шунинг учун элимиз, юртимиз кексалар дуоси билан яшнайверади.

Нукус шаҳридаги «Султон сарой» тантаналар мажмуасида ташкил этилган «Нуронийларга ҳурмат ва эъзоз» мавзуидаги маданий-маърифий тадбирда бу жиҳатлар ўз аксини топди.

...Тантаналар мажмуаси гуллар, шарлар билан байрамона безатилган. Симфоник оркестр мусикалари садоси остида турли соҳаларда самарали хизмат қилиб, ўзларининг фидойилиги билан халқимизга намуна бўлиб келаётган бир гуруҳ нуронийлар ёш авлод вакиллари томонидан кутиб олинди. Мажмуа кириш қисмида иштирокчилар миллий урф-одатларимиз намуналари, турли халқлар вакиллари томонидан тайёрланган маҳсулотлар, ҳунармандчилик буюмлари кўргазмаси билан танишди.

Тадбирнинг очилиш маросимида мамлакатимизда кекса авлод вакилларига юксак эътибор, алоҳида эҳтиром кўрсатилаётгани таъкидланди. Бунга жавобан кекса авлод вакиллари ёшлар тарбияси, уларнинг комил инсон бўлиб вояга етишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Жорий йилда турли соҳаларда узоқ йиллар давомида ҳалол ва самарали меҳнат қилган на-

фақа ёшидаги юртдошларимиз, шунингдек, фарзандлар тарбиясида бошқаларга ўрнак бўлаётган бир гуруҳ онахонлар «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланганди. Тантанали маросимда I, II, III даражали «Меҳнат фахрийси» нишонлари ўз эгаларига топширилди.

— Ҳар ким кексайганда умр бўйи қилган меҳнатлари роҳатини кўрсин экан, — дейди I даражали «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони соҳиби Сапардурди Аббасов. — Кишининг кўнгли кўтарилиб, руҳи тетиклашади. Юртимизда биз, нуронийлар мана шундай бахтга муяссар бўлаётганимиздан беҳод мамнунмиз. Бунга жавобан биз ҳам маҳаллалар ишида фаол иштирок этишга, фарзандлар тарбиясида ўз маслаҳатларимизни аямасликка интиламиз.

Кўнгил кўнгилдан сув ичади, дейишади. Улуғларимиз, ўрта авлод вакиллари ҳамда эртамиз эгаларини жам қилган дилбар давра бугунги тинч ва фаровон кунлар, обод масканлар, миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликда бугундан рози бўлиб умргузаронлик қилаётган ҳамюртларимизнинг шукроналика йўғрилган суҳбат-

ларига бой бўлди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамонлари, меҳнат фахрийларининг ҳаётига бағишланган ҳужжатли фильмлар намойиш этилди. Мазкур фильмларда уларнинг машаққатли умр ва меҳнат йўллари ҳақида ҳикоя қилинди.

— Элимизда турли миллат вакиллари ҳамжиҳат ва оғизбирчиликда яшаб келмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Турсинбой Абдужабборов. — Бунда нуронийларимизнинг ибратли умр йўли, бой тажрибаси ёшларимиз учун ўрнак бўлиб келмоқда. Бугун бир гуруҳ кекса авлод вакиллари «Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони билан тақдирланиши Президентимиз томонидан Қорақалпоғистоннинг бағрикенг халқи, жумладан, нуронийларига кўрсатилаётган алоҳида ҳурмат ва ғамхўрлигининг амалий ифодасидир. Кексаларимиз Янги Ўзбекистоннинг эртанги куни гуллаб-яшнаши, халқларимиз ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш йўлида қимматли маслаҳатларини беришдан чарчамайдилар.

Тадбир куй-қўшиқлар, ажойиб рақсларга уланиб кетди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси, Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг ўринбосари Турсинхан Худайбергенов, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси Мурат Камалов иштирок этди.



ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

ОММАВИЙ ҚАБУЛ: Кўп йиллик орзу-умидлар рўёби



Шофиркон туманидаги «Исломбек» тўйхонасида Бухоро вилояти ҳокими Ботир Зариповнинг ҳудуддаги мавжуд 50 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги «бешлик» вакиллари — йиғин раислари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, хотин-қизлар фаоллари ва профилактика инспекторлари билан учрашуви бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Республикасида вазирликлар, давлат ташкилотлари ва идоралари масъул раҳбарлари иштирокида оммавий қабуллар ўтказилди. «Инсон қадри учун» ғояси асосидаги бу мулоқотлар майдони ҳудуд аҳолиси учун ўзларини ўйлантираётган масалалар юзасидан раҳбарлар билан юзма-юз гаплашиб олиш имконини берди. Шундай тадбирлардан бири Нукус шаҳридаги «Истиклол» болалар дам олиш масканида ташкил этилди. Унда нафақат Нукус шаҳридан, балки ҳудуднинг бошқа туманларидан фуқаролар ташриф буюрди. Эътиборлиси, аксарият мурожаатлар жойида ечим топган бўлса, вақт талаб қиладиганлари бўйича тегишли ташкилот масъулларига топшириқлар берилди.

Қорақалпоғистон ва экология масаласи доимо ёнма-ён тилга олинади. Айни масалада 15 га яқин мурожаат келиб тушди. Уларнинг кўпчилигига қабулнинг ўзида ечим топилди.

Жумладан, Кегейли туманидан келган Саломат Есимбетов қизилмия илдизини экспорт қилишда амалий ёрдам сўради. Унинг мурожаати тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилиши, керак бўлса, қўшимча ёрдам кўрсатилиши айtilди.

— Бундай оммавий қабуллар фуқароларнинг муаммосига ечим топишда катта имконият яратмоқда, — дейди нукуслик Ислом Давлатмуродов. — Кўпдан бери бўш турган ерда автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчасини ташкил этиш ниятида юргандим. Айни мурожаатимни бугун билдирдим. Тегишли масъуллар масалани тез кунларда ўрганиб чиқиб, жавоб айтишини билдирди. Лойиҳа амалга ошса, қўшимча 2-3 та иш ўрни яратилади.

Қабул давомида фуқаролар таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал соҳа, ер-кадастр, нафақа билан боғлиқ мурожаатларига атрофлича жавоб олди. Жумладан, бу йил Ажинияз номидаги Нукус давлат

педагогика институтини тамомлаган Асадбек Сатбаев иш топишда муаммоларга дуч келаётганди. Унинг мурожаати Халқ таълими вазирлиги масъуллари томонидан жойида ўрганилиб, Асадбек Нукус шаҳридаги 28-умумтаълим мактабига ишга жойлаштирилди.

— Очиги, бир неча ойдан бери иш масаласи қийнаб келаётганди, — дейди А.Сатбаев. — Ҳужжат топширмаган жойим қолмади. Бироқ турли сабаблар билан иш топишим қийин бўлди. Оммавий қабулга ушбу масалада ташриф буюргандим. Шўқрки, муаммо шу ернинг ўзида ҳал бўлди. Энди уйимга яқин, бориб-келишим қулай бўлган муассасада иш бошлайман. Биринчи иш кунимни ҳозирданоқ интиқ кутяпман.

Қабул давомида аҳолига сайёр давлат хизматлари кўрсатилди. Меҳнат ва бандлик йўналишида кўплаб инсонларнинг муаммоси шу ернинг ўзида ҳал қилинди.

Саҳифани Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ тайёрлади.

КУН НАФАСИ

Раҳбар, албатта, маҳаллада ишлаган, муаммоларни ўз кўзи билан кўрган бўлиши керак

БУНДАН БУЁН РАҲБАРЛИК ЛАВОЗИМЛАРИГА НОМЗОДЛАР МАҲАЛЛАДА ОДАМЛАР БИЛАН ИШЛАГАН, УЛАРНИНГ МУАММОСИНИ ЎЗ КЎЗИ БИЛАН КЎРИБ, ҲАЛ ҚИЛГАН КАДРЛАР ОРАСИДАН ТАНЛАБ ОЛИНАДИ

Маҳаллаларда ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси лавозимини ташкил этишдан кўзланган асосий мақсад — ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш, бандликни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, ёшлар билан тизимли ишлашни йўлга қўйишдан иборат. Шу билан бирга, давлат хизматига билимли, ташаббускор, салоҳиятли кадрларни танлаб олишда бу тизимдан катта натижа кутиляпти.

Жумладан, ҳоким ёрдамчиси ушбу лавозимга тайинланган кундан бошлаб Миллий кадрлар захирасига киритилади. Келгусида туман, шаҳар, вилоят, республика даражасида раҳбарлик лавозимларига номзодларни тавсия этиш, тайинлаш фақат ва фақат ҳоким ёрдамчиси лавозимида самарали меҳнат қилаётган кадрлар орасидан танлаб олинади. Худди шундай, иш фаолияти натижаларига кўра, ёшлар етакчилари

Миллий кадрлар захирасига киритилиб, улар танловсиз тўғридан-тўғри юқори лавозимларга ўтказилиши мумкинлиги белгиланган.

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йил 4 август куни давлат хизматини ислоҳ қилиш ва бошқарувда натижадорликни ошириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида юқорида биз қайд этган жиҳатларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

«МАҲАЛЛАДАН – РЕСПУБЛИКАГАЧА» ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Қайд этилишича, айни пайтда давлат хизматида 118 минг нафар ходим меҳнат қилмоқда. Бунда 40 ёшгача бўлган ходимлар улуши 61 фоизга етди (илгари 37 фоиз бўлган). Лекин, натижадорлик бўйича айтганда, ҳали давлат хизмати халқни рози қиладиган тизимга айлангани йўқ. Қобилиятни аниқлаш, ўқитиш, ишини яхши йўлга қўйишга ўргатадиган яхлит тизим бўлмагани учун айрим раҳбар кадрлар берилган вазифаларни эплай олмаяпти. Мисол учун, айни сабаб билан ўтган олти ойда 37 нафар туман ва шаҳар ҳокимлари алмаштирилди.

Шу боис эндиликда давлат идораларига ишга қабул қилишнинг очиқ-ошкора тизими жорий этилади. Йил якунигача барча вакант лавозимлар очиқ ягона электрон платформага жойлаштирилади. Бўш лавозимга танловда иштирок этиш учун ҳозирги кунда талаб этилаётган 16 та ҳужжат сўралмайди, барча жараёнлар

электрон шаклга ўтказилади.

Тахлилларга кўра, вазирликлар марказий аппаратидаги раҳбарларнинг 40 фоизи туман поғонасини кўрмаган, туман миқёсидаги раҳбарларнинг 60 фоизи эса вилоят ёки республика идораларида ишламаган. Шу боис эндиликда давлат идораларида «маҳалладан – республикага» тамойили асосида кадрларни ўстиришга алоҳида эътибор қаратилади.

«Биз давлат хизматини маҳаллага тушириш бўйича катта ислохотларни бошладик. Ҳар бир маҳаллада — раис, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси ва хотин-қизлардан иборат яхлит тизим яратилди. Бундан буён раҳбарлик лавозимларига номзодлар маҳаллада одамлар билан ишлаган, уларнинг муаммосини ўз кўзи билан кўриб, ҳал қилган кадрлар орасидан танлаб олинади», — деди давлатимиз раҳбари.

Шунинг учун, 1 ноябрдан эски намунадаги «объективка»дан воз кечилиб,

илғор IT-технологиялар асосида ходимнинг малакаси ва салоҳияти, эришган натижаларини баҳолайдиган тизимга ўтилади. Ходимни баҳолашда қайси олийгоҳни битиргани ёки қаерда ишлагани эмас, қандай билим-тажрибага эгаллиги ва кўрсатган натижалари асосий мезон бўлиши шарт. Оддий қилиб айтганда, раҳбарликка тасодифан келиб қолишнинг олди олинади.

Қолаверса, туман ёки шаҳар даражасидаги раҳбарлик учун Салоҳиятли кадрлар резерви тузилади. Унга номзодлар фақат маҳаллалардаги ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчилари орасидан танлаб олинади. Йил якунига қадар 1 минг нафар номзодни танлаб, тақлифлар киритиш топширилди.

«Куни кеча ярим йил якуни бўйича яхши натижа кўрсатган 65 нафар ҳоким ёрдамчиси ва 40 нафар ёшлар етакчиларини Салоҳиятли кадрлар резервига ўзим танлаб олдим», — деди Президент.

ТИЗИМ ЎЗИНИ ҚАЙ ДАРАЖАДА ОҚЛАЙДИ?

Йиғилишда қайд этилган жиҳатларга қисқача тўхталдик. Ҳўш, энди янги тизим қандай ишлайди? У қанчалик самара беради? Шаффофлик қай тариқа таъминланади? Ҳоким ёрдамчилари ва ёшлар етакчиларига билдирилаётган ишонч ўзин оқлайдими?

Юқорида таъкидланганидек, вазирликлар марказий аппаратидаги раҳбарларнинг 40 фоизи туман поғонасини кўрмаган. Яъни уларнинг аксарияти куйи тизимдаги мавжуд ҳолатни, муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини, умуман, вазиятни доим ҳам миридан-сиригача билавермайди. Ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси доимо халқ ичида юрибди, оддий одамлар ҳаётини ўрганипти, муаммоларини тинглаб, бу йўлда уларга ёрдам беряпти. Шу маънода раҳбар кадрларнинг айнан улар орасидан танлаб олиниши келгусида мавжуд камчиликларни тизимли, энг қуйи бўғин — маҳалла даражасида ҳал этиш имкониятини беради.

Қолаверса, инсонларнинг мурожаатларини дилдан тинглаб, дарду ташвишларини бемалол зиммасига ортиб, мушкулени осон қиладиганлар, албатта, рағбатга муносиб. Мисол учун, жорий йилнинг ўтган даврида ўн нафардан зиёд ҳоким ёрдамчиси туман ҳокими, ҳоким ўринбосари лавозимларига тайинланди. Бу бежиз эмас. Зеро, уларда йиллар давомида одамлар билан ишлаш, уларнинг кўнглига йўл топиш, муаммоларини осон ва қонуний ҳал этиш кўникмаси шаклланиб боради. Айни жиҳат эса бугунги раҳбар кадрлар учун жуда муҳим бўлган сифатлардандир.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Оилавий болалар уйида қанча тарбияланувчи бўлиши керак?

«Оилавий болалар уйлари фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент қарори (ПҚ-345-сон, 04.08.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга кўра, оилавий болалар уйидаги тарбияланувчилар сони камида 3 нафарни, лекин кўпи билан 5 нафарни ташкил қилиши лозим. Бунда оилавий болалар уйини ташкил қилган фуқароларнинг ўз фарзандлари ҳамда тарбияланувчиларнинг умумий сони 8 нафардан ошмаслиги керак. Оилавий болалар уйлари тўтинган ота-оналарни тайёрлаш курсларини муваффақиятли тугатган фуқаролар томонидан ташкил қилишга рухсат этилади.

Шунингдек, 2022 йил 1 сентябрдан:

❑ оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларга ҳар ойда Давлат бюджетидан:

— оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчининг яшаш харажатлари учун 7 ёшгача бўлган тарбияланувчиларга БҲМнинг 5 баравари (1,5 млн. сўм) миқдорида, 8 ёшдан 18 ёшгача тарбияланувчиларга БҲМнинг 7 баравари (2,1 млн. сўм) миқдорида;

— оилавий болалар уйидаги ҳар бир тарбияланувчини парвариш қилиш учун меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 1 баравари – 920 минг сўм, ногиронлиги бўлган болалар учун 1,5 баравари – 1

млн. 380 минг сўм миқдорида; — оилавий болалар уйига тарбияга олинган ҳар бир ногиронлиги бўлган болани даволаш-соғломлаштириш учун ҳар ойда БҲМнинг 1 баравари (300 минг сўм) миқдорида маблағ ажратилади;

❑ оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларнинг яшаш харажатлари учун ажратилган маблағлар ҳар ойнинг 5-санасига қадар тўтинган ота-она номига очилган банк пластик картасига тўғридан-тўғри ўтказиб берилади;

❑ оилавий болалар уйидаги тарбияланувчиларга ҳудудда жойлашган тўғрақ ва

курсларга бепул қатнашиш ҳуқуқи берилади, йилига бир маротаба соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиш учун бепул йўлланмалар ажратилади, бир йилда икки маротаба республика миқдорида тарихий шаҳарларига бепул саёҳатлар ҳамда театр томошалари ва концерт дастурлари ташкил этилади, бир йилда икки маротаба бепул тўлиқ тиббий текширувдан ўтказилади. Энг муҳим, бу имтиёзлар (тиббий кўрик мустасно) оилавий болалар уйини ташкил этган фуқароларнинг ўз фарзандларига ҳам татбиқ этилади.

ОММАВИЙ ҚАБУЛЛАРДАН СЎНГ...

Мурожаатлар каттаю кичик, мазмуни турфа, аммо ёндашув бир хил



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқаролар билан мутасадди идораларни боғловчи тизимга айланди. Халқ қабулхоналари орқали ва сайёр қабулларда кўтарилган долзарб муаммолар таҳлили давлат ва жамият ҳаётидаги муҳим ислохотларни бошлаб берапти.

Жойларда барча даражадаги раҳбарлар билан жонли мулоқот ва сайёр қабуллар йўлга қўйилгани одамларда муаммоларини ҳал қилиш мумкинлигига катта умид ва ишонч уйғотяпти. Давлат идоралари қуйи тизимга тушиб, аҳоли эҳтиёжлари ва талаблари асосида ишлашни бошлади. Қайд этиш керакки, бугун бу тизим тобора такомиллашиб бормоқда. Республика ишчи гуруҳи томонидан жорий йил Андижон вилоятида ўтказилган оммавий қабуллар бу фикрларнинг яққол далили. Эйтиборлиси, ижроси маълум муддат талаб қилувчи масалалар тизимли равишда ҳал бўлмоқда.

Барча мурожаат ва муаммоларнинг назорати Республика ишчи гуруҳи раҳбари — Президент маслаҳатчиси, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазири Турсинхан Худайбергенов томонидан олиб борилмоқда.

Андижон шаҳридаги «Ёрбоши» маҳалласида яшовчи Фаттоҳхон Мақсумов «Ҳамкор транс барака» масъулияти чекланган жамияти фойдасига чиқарилган суд қарори ижроси амалга ошмаётганидан норози бўлиб, мурожаат йўлаганди. Ижро жараёнида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари улгуржи бозори» масъулияти чекланган жамиятидан зарур маблағ ундирилиб, «Ҳамкор транс барака» МЧЖ ҳисоб рақамига ўтказиб берилди.

Мурожаатлар орасида алимент масаласидаги муаммолар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Масалан, «Гумбаз» маҳалласида яшовчи Гулчехра Ғуломова алиментдан бўлган қарздорликни ундириш масаласида амалий ёрдам сўраган. Халқ қабулхонаси ёрдамида ушбу маблағлар мурожаатчининг пластик картасига ўтказиб берилди. Ёки Андижон шаҳридаги «Мирпўстин»

маҳалласида яшовчи Гулбаҳор Солиева 2007 йилда туғилган фарзандини даволатишга қийналиб, мурожаат қилган. Мурожаат асосида фарзанди тиббий кўрикдан ўтказилди ва даволаниш учун моддий ёрдам кўрсатилди.

Андижон туманидаги «Нохатак» маҳалласида яшовчи Асқарали Шокировнинг бино ва иншоотлари аввалроқ бузиб ташланган бўлиб, ханузгача компенсация пуллари олилмай келарди. Мурожаати ўрганилиб, туман ҳокимлигидан белгиланган пул маблағи ундириб берилди.

Шунингдек, пробацция ҳисобида жазо ўтаётган Андижон тумани «Мингўрик» маҳалласида яшовчи Фазлиддин Шукурдинов, Паҳлавон Исмоилов, Асака тумани «Бобур» маҳалласида яшовчи Абдурашид Бакиров, «Янгисор» маҳалласида яшовчи Саидакбар Эргашевлар мурожаатига асосан, улар ахлоқ тузаги ишлари жазосидан муддатдан илгари шартли равишда озод этилди.

Асака тумани «Учтош» маҳалласида яшовчи Элдорбек Тожибоев эса иссиқхона қуриш учун кредит олишда амалий ёрдам сўраб, мурожаат қилганди. Унинг мурожаати ўрганилиб, ижобий ҳал этилди. «Файзиобод» маҳалласида яшовчи Мавлон Ҳайитовнинг мурожаатига биноан, кўзини даволатиш учун жарроҳлик амалиёти харажатлари қоплаб берилди. Шу тумандаги «Қашқар» маҳалласида яшовчи Зиёда Исоқова тикувчилик йўналишида фаолият қўлаши учун имтиёзли кредит олишда амалий ёрдам сўраган. Мурожаат асосида унга «Халқ банки» томонидан 31 400 000 сўм кредит маблағлари ажратилди.

Жалакудук туманидаги «Бойчеки» маҳалласида яшовчи Шохсанам Йўлдошева ҳу-

дудда жойлашган Эшмуродов кўчасини 200 метр қисмини шағаллашда амалий ёрдам сўраганди. Мутахассислар томонидан бу мурожаат ижобий ҳал этилди. Избоскан туманидаги «Зарбдор» маҳалласида яшовчи Наримон Ниёзовга ишлаб чиқариш ва ёғоч маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш дастгоҳи соғитиб олиш учун 300 млн. сўм банк кредити олиб берилди.

Ҳал этилган мурожаатлар билан танишсангиз, мазмуни турфа, даражаси фарқ қилади. Аммо Халқ қабулхонаси ходимлари томонидан каттаю, кичик масалаларга бир хил ёндашилаётгани эътиборга сазовор. Масалан, Марҳамат туманида яшовчи Иродахон Сиддиқова ҳамда Соҳиба Нишоновга фуқаролик паспорти олишга қўмаклашилган бўлса, Улуғнор тумани «Улуғбек» маҳалласида яшовчи Мавлуда Турсунованинг акаси Мирзодил Рўзиевга туман тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш бўлими томонидан ногиронлик аравачаси берилган.

Оммавий қабуллардан сўнг ҳўжаободлик Азимжон Эргашевнинг мушқули осон бўлди. Унга мурожаати бўйича иссиқхона қурилиши учун 31 500 000 сўм пул маблағи ажратилди. Шаҳрихон туманидаги «Намозгоҳ» маҳалласида яшовчи Иззатилло Нўъмоновга тикувчилик йўналиши бўйича 32 735 000 сўм, «Яккатут» маҳалласидан Зухра Раҳимовага чеварчилик йўналиши бўйича 32 500 000 сўм кредит маблағи олишига қўмаклашилди.

Дарҳақиқат, бугун давлат ва жамият халқ орзу-умидлари ушалиши учун қўмак бермоқда. Бунинг натижасида юртдошларимизда эртанги кунга умид ва ишонч тобора ортиб бормоқда.

М.АБДУСАТТОРОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП? РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

«Шишаки»да «бешлик»ка баҳо берилди

Давлатобод туманидаги «Шишаки» маҳалласида йигин раиси бошчилигидаги «бешлик» фаолияти таҳлил қилинди. Маҳалла аҳолисининг муаммоларини ечишда уларнинг режа, дастурлари эшитилиб, керакли тавсиялар берилди.

Маҳалла раиси Одилжон Акбаров, ҳоким ёрдамчиси Абдурахмон Зиёвиддинов, ёшлар етакчиси Алишер Аҳмаджонов ва хотин-қизлар фаоли Шоира Рузаеванинг амалий ишлари ижобий натижалар бериб келмоқда.

Олти нафар тадбиркорлар томонидан болалар боғчаси ташкил этилиб, ҳозирги вақтда 2 нафар тадбиркорга имтиёзли кредит расмийлаштирилмоқда. Бунинг натижасида тарбияланувчилар қамрови яна 50 нафарга ортади.

Маҳалладаги хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш мақсадида туман бандликка қўмаклашиш маркази ёрдамида «Руқайя бону» ўқув маркази фаолияти йўлга қўйилди.

Х.АБДУРАҲМОНОВ.



Кимларга спорт билан шуғулланиш учун имтиёз бор?

Кам таъминланган оилалардан бўлган шуғулланувчилар спорт иншоотларида пуллик хизмат кўрсатилгани учун белгиланган тўловларни имтиёзли равишда 50 фоиз миқдорида амалга оширади.

Бунда оиланинг кам таъминланганлиги тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган маълумотнома таълим муассасаси раҳбарига тақдим этилади.

Бир оиладан икки ёки ундан ортиқ фарзанд иштирок этган тақдирда, пуллик хизмат кўрсатилганлиги учун белгиланган тўловларни имтиёзли равишда ҳар бири учун 70 фоиз миқдорида амалга оширади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

«Маҳалла тўғрисида»ги қонунда қандай ваколат ва вазифалар белгиланмоқда?

**ЭНДИЛИКДА СОЛИҚ ВА ЙИҒИМЛАРНИ ТЎПЛАШГА КЎМАКЛАШИШ
ЎЗАРО ШАРТНОМА АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.
ТУШГАН МАБАҒ МАҲАЛЛА ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН ИШЛАТИЛАДИ**

Амалдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунда маҳалланинг ваколатлари фақат 1 та моддада жамланган бўлиб, фаолиятининг асосий йўналишлари ноаниқ ва соҳаларга ажратилмаган. Тез кунларда амалиётга татбиқ этилиши кутилаётган «Маҳалла тўғрисида»ги қонунда маҳаллалар ваколатлари 6 та соҳа бўйича алоҳида моддаларда белгиланмоқда. Булар — ўз фаолиятини ташкил этиш, ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартибот, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш, ижтимоий-иқтисодий, давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатлардир.

Қонун кучга киргач, фуқаролар йиғини ўз фаолиятини ташкил этиш бўйича маҳалла раисини рағбатлантириш ёки уни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилиш, жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи маслаҳатчилар ва маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар аъзоларини, тафтиш комиссиясининг раиси ҳамда аъзоларини сайлаш ва лавозимидан озод этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Шунингдек, кенгашни шакллантириб, маҳалла фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар ишини ташкил этади. Низоми, маҳалла ходимларининг одоб-ахлоқ қоидаларини белгилайди, маҳалла раисига нисбатан ишончсизлик билдириш ҳақидаги масалани кўриб чиқади, фаолият дастурини ва харажатлар сметасини тасдиқлайди.

Ҳар чоракда камида бир марта маҳалла раисининг, унинг ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича ўринбосарининг (профилактика (катта) инспекторининг) ва маслаҳатчиларининг ҳамда бир йилда камида бир марта тафтиш комиссияси раисининг ҳисоботларини эшитади, тегишли қарорлар қабул қилади. Ўз маблағларини шакллантиради, маҳалла мол-мулкига эгалик қилиб, ундан фойдаланади, тасарруф этади, сарфланишини назорат қилади.

Қолаверса, маҳаллаларни тузиш, бирлаштириш, бўлиш ва тугатиш, шунингдек, чегараларини белгилаш ва ўзгартириш, ном бериш ва номини ўзгартириш ҳақида туман (шаҳар) ҳокимига илтимосномалар киритади. Манзилли дастурларга давлат органлари ва ташкилотлари томонидан кўриб чиқилиши

мажбурий бўлган асосланган таклифлар беради.

Маҳалла органларининг ҳужжатлари маҳалла фуқаролари умумий йиғилишининг қарорлари асосида қабул қилинади. Маҳаллалар бир-бирига ўзаро ёрдам кўрсатиш, ижтимоий, иқтисодий ва маданий вазифаларни биргаликда ҳал этиш мақсадида уюшмалар ташкил этиши мумкин. **Булар қонуннинг 10-моддасида кўрсатилган.**

Қонуннинг 11-моддасида маҳалланинг ижтимоий-маънавий муҳитни мустаҳкамлаш соҳасидаги ваколатлари келтирилган. Яъни аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тарбия йўналишида тарғибот-ташвиқот ишларини юритади, аҳолини ислохотлар ҳақида хабардор қилади. Хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади. Аҳолини, шу жумладан, ёшларни миллий ва маънавий қадриятлар, маҳаллий урф-одат ва анъаналар билан таништиради ва уларни тарғиб қилади. Тўйлар ва бошқа маросимларни ўтказиш юзасидан тавсиялар беради. Кекса авлод вакилларининг обрў-эътиборини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирларни белгилайди. Давлат ҳокимияти органларига миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни сақлашда кўмаклашади. Китобхонлик маданиятини оширишга бағишланган учрашувлар ўтказиши. Маҳалладаги ёшлар етакчиси билан ҳамкорликда уюшмаган ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга масъул бўлади.

Маҳалланинг ҳуқуқ-тартибот соҳасидаги ваколатлари 12-моддада жамланган. Унга кўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда кўмаклашади. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга

доир давлат дастурларини, ҳудудий ва идоравий дастурларни амалга оширишда иштирок этади. Қонунчилик ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Маҳалла ҳудудидаги кўчаларда ўрнатилган йўл ва кўча белгиларини текширади ҳамда яроқсиз ҳолатга келган ёки йўқолган белгилар ҳақида туман (шаҳар) ҳокимлигига хабар беради. Маҳалла ҳудудида юзага келган фавқулодда вазиятларни бартараф этиш, инсонлар ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида тезкор ҳаракатланадиган махсус техникаларнинг эркин ҳаракатланишини таъминлаш учун йўлларда сунъий тўсиқлар ўрнатилишининг олдини олиш бўйича назорат юритилади. Маҳаллалар мурожаатлари кўриб чиқилишида юзага келган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича судга мурожаат қилиши мумкин.

Маҳаллалар томонидан кўриб чиқилиши мажбурий бўлган таклифларни кўрмасдан қолдириш белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Шунингдек, 13-моддада маҳалланинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ободонлаштириш соҳасидаги ваколатлари, 14-моддада маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий соҳадаги, 15-моддада маҳалланинг давлат органлари ва мансабдор шахслар билан ҳамкорлик қилиш соҳасидаги ваколатлари белгиланди. Маҳаллаларнинг жамоатчилик назоратини амалга ошириш соҳасидаги ваколатлари 16-моддада келтирилган.

Эътиборли жиҳати, 15-моддага кўра, энди аҳолидан солиқлар ва йиғимлар ўз вақтида ундирилишини таъминлашда солиқ органларига, коммунал тўловлар ундирилишини

таъминлашда, иссиқлик ва электр энергияси, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланиш бўйича тадбирлар ўтказишда ҳақ тўлашни назарда тутувчи шартнома асосида кўмаклашади.

Демак, эндиликда бу ташкилотлар билан ҳамкорлик ўзаро шартнома асосида амалга оширилади. Тушган мабағ маҳалла эҳтиёжлари учун ишлатилади.

Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан аҳоли муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш ва ҳал этиш, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқишнинг бир-бири билан узвий боғланган «маҳалла-туман-вилоят-республика» тизими жорий этилади.

Бунда ҳудудда маҳалла раиси томонидан аҳоли эътирозларига энг кўп сабаб бўлаётган муаммоларни аниқлаш мақсадида мунтазам равишда муҳокамалар ўтказилади. Ҳар ойда маҳалла кенгашида тегишли давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг амалга оширилган ишлар бўйича ахбороти эшитилади ҳамда муаммоларнинг бартараф этилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилади.

Маҳалла раиси ҳар чоракда бажарилган ишлар ва бартараф этилмаган тизимли муаммолар бўйича тегишли туман (шаҳар) Халқ қабулхонасига маълумотлар киритиб боради. Туман (шаҳар) Халқ қабулхонаси шу маълумотга асосан, тақдимномалар киритади ҳамда масъул ходимларни рағбатлантириш ёки уларга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган жазо чораларини қўллаш бўйича юқори турувчи ташкилотларга таклифлар беради.

**Бахтиёр НОРОВ,
Маҳалла ва нуронийларни
қўллаб-қувватлаш вазирлиги
бошқарма бошлиғи.**

Йиғиннинг янги бинолари қурилади

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, улар фаолиятига замонавий ахборот ва рақамли технологияларни жорий этиш бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.



Шу боис маҳалла идоралари учун янги бинолар қуриш, мавжудларини таъмирлаш, тизимда фаолият кўрсатаётган ходимлар учун муносиб шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жорий йилда Шаҳрихон туманидаги «Ёнбош Дўрман», «Терактаги», «Муллабой», «Янги Ваҳим» маҳаллалари учун янги бинолар қурилмоқда. Андижон вилояти Маҳалла ва ну-

ронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси бошлиғи М.Нишонов мазкур маҳаллаларда бўлиб, қурилиш ишлари билан танишди. Биноларни сифатли ҳолда, белгиланган муддатларда битказиш бўйича масъуллар билан фикр алмашилди.

Андижон вилояти маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МОҲИЯТ

Барча хизматлар
маҳалланинг ўзида
кўрсатилади

**МАҲАЛЛАНИНГ ИЖТИМОЙ ЁРДАМ ВА ХИЗМАТЛАР
КЎРСАТИШ СОҲАСИДАГИ МАҚОМИ ОШАДИ. ЭНГ МУҲИМИ,
ЭНДИ ОИЛАЛАР ҲУЖЖАТ КЎТАРИБ, ИДОРАМА-ИДОРА
САРСОН БЎЛМАЙДИ**

Газетамизнинг 2022 йил 30 июлдаги 30-сонида «Ижтимоий ҳимоя: устувор йўналишлар белгиланди» савлавҳаси остида давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони мазмун-моҳияти қисқача очиб берилганди. Бу гал мазкур Стратегияни 2022-2023 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»да белгиланган вазифаларга тўхталиб ўтамиз.

НОГИРОНЛИКНИ БЕЛГИЛАШДА «ИЖТИМОЙ» МОДЕЛГА УТИЛАДИ

Айтиш керакки, «Йўл харитаси» 24 та банддан иборат бўлиб, Стратегиянинг асосий мақсадларини қамраб олади. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида («маҳаллабай» тамойили асосида) кўрсатилиши таъминланади. Яъни оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётини қийин вазиятдан чиқариш бўйича комплекс ёндашув асосида иш олиб борилади. Бунда индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади. Айтиш керакки, «Йўл харитаси» 24 та банддан иборат бўлиб, Стратегиянинг асосий мақсадларини қамраб олади. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида («маҳаллабай» тамойили асосида) кўрсатилиши таъминланади. Яъни оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётини қийин вазиятдан чиқариш бўйича комплекс ёндашув асосида иш олиб борилади. Бунда индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади. Айтиш керакки, «Йўл харитаси» 24 та банддан иборат бўлиб, Стратегиянинг асосий мақсадларини қамраб олади. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида («маҳаллабай» тамойили асосида) кўрсатилиши таъминланади. Яъни оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётини қийин вазиятдан чиқариш бўйича комплекс ёндашув асосида иш олиб борилади. Бунда индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади.

«Йўл харитаси»даги яна бир муҳим жиҳат — ногиронлиги бор шахслар ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ. Яъни авваллари ногиронлик-

ни белгилашда касаллик белгилари аниқ кўриниб турган бўлса-да, бундай шахслар турли текширувлардан ўтишга мажбур эди. Етарлича мониторинг олиб борилмагани туфайли баъзи ҳолларда чекка ҳудудларда яшовчи жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари бор шахсларга ногиронлик белгиланмасдан қолиб кетган. Реабилитация дастурлари чуқур таҳлил қилинмаган ҳолда ишлаб чиқилган. Натижада ногиронликка «ижтимоий муаммо» сифатида қараш юзага келган. Эндиликда **ногиронлиқни белгилашнинг аънанавий «тиббий» моделидан замонавий «ижтимоий» моделига босқичма-босқич ўтилади.** Янги моделга асосан, шахснинг жамият ҳаётида иштирок этиш масаласи инобатга олинади. Айтиш керакки, «Йўл харитаси» 24 та банддан иборат бўлиб, Стратегиянинг асосий мақсадларини қамраб олади. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида («маҳаллабай» тамойили асосида) кўрсатилиши таъминланади. Яъни оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётини қийин вазиятдан чиқариш бўйича комплекс ёндашув асосида иш олиб борилади. Бунда индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади.

«СИЗДАН УГИНА, БИЗДАН БУГИНА....»

«Йўл харитаси»га мувофиқ, эндиликда ижтимоий ёрдамни ижтимоий шартнома тузиш орқали тақдим этиш тизими йўлга қўйилади. Бу нима дегани? Ҳозирда юртимизда 2 миллион оила болалар нафақаси ва ижтимоий ёрдам билан қамраб олинган. Янги қоидага кўра, давлат болалар нафақасини олувчи оилалар билан ижтимоий шартнома ту-

зади. Яъни энди оилалар маълум ижтимоий шартларни бажариши лозим бўлади. Мазкур амалиёт жорий йилдан кучга кириши керак.

Бошланишига шартлар жуда оддий қўйилади: бундай оилалар фарзандларининг боғчага боришини, мактабдаги давоматини таъминлаши ҳамда бириктирилган поликлиникадан мажбурий вакциналарни ўз вақтида олиши зарур. Бундай тизим АҚШ, Туркия, Россия, Индонезия, Болгария, Мексика ва Лотин Америкаси давлатларида қўлланилади. Айтиш керакки, «Йўл харитаси» 24 та банддан иборат бўлиб, Стратегиянинг асосий мақсадларини қамраб олади. Жумладан, ижтимоий ёрдам ва хизматлар маҳалла даражасида («маҳаллабай» тамойили асосида) кўрсатилиши таъминланади. Яъни оиланинг умумий ҳолатидан келиб чиқиб, уни ҳаётини қийин вазиятдан чиқариш бўйича комплекс ёндашув асосида иш олиб борилади. Бунда индивидуал ижтимоий ҳимоя режасини ишлаб чиқиш орқали оилалар ижтимоий ҳимоя қилинади.

«Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими ижтимоий ёрдам ва хизматларнинг ягона маълумотлар базасига айлантирилади. Ижтимоий ёрдамнинг манзиллигини ошириш, ижтимоий нафақаларни тайинлашда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларни баҳолаш мезонлари ҳамда оила аъзосига тўғри келадиган даромадни ҳисоблаш усулини доимий равишда такомиллаштириб бориш мақсадида «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ҳамда «Ёшлар дафтари»га киририлган фуқароларга моддий ёрдам ёки компенсация тўлашдан олдин оиланинг кам таъминлангани Ягона реестр орқали тасдиқланади.

Ҳоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаолларининг ижтимоий ёрдам соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилади. Бунда «Онлайн маҳалла» электрон платформасига оиланинг

мавжуд чорва моллари, томорқа ер майдонлари, оила аъзоларининг мақоми (чақириқ бўйича ҳарбий хизматда бўлиши, ўрта махсус, профессионал ёки олий таълим муассасасида ўқиши, хорижда меҳнат қилаётганлиги ва бошқалар) бўйича маълумотлар киритиб борилади. Платформа «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими билан интеграция қилинади.

Қолаверса, хотин-қизлар фаоллари томонидан ижтимоий хизматларни кўрсатиш соҳасида Ягона реестр ахборот тизимида алоҳида модуль — «Маҳаллада ижтимоий хизмат» модули яратилади. Фаоллар Жаҳон банкнинг «Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш» лойиҳаси доирасида электрон платформага уланган махсус планшетлар билан таъминланади.

Хуллас, маҳалланинг ижтимоий ёрдам ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги мақоми ошади. Йиғин фаолларига кенг ваколатлар берилган ҳолда, эҳтиёжманд оилаларнинг ҳеч бири давлат эътиборидан четда қолмаслиги таъминланади. Энг муҳими, энди оилалар ҳужжат кўтариб, идорама-идора сарсон бўлмайди. Барча хизматлар маҳалланинг ўзида кўрсатилади.

Санжар ИБРОҲИМОВ.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

«Хондамир»нинг ўз мусиқа ансамбли бор



Пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги «Хондамир» маҳалласида бўлган кишининг ҳудуд ободлиги, озодалиги, асфальтланган кўчалар, турли мевали дарахтларнинг мўллиги, йўл четидаги анвойи гулларни кўриб, дили яйрайди, қалби қувончга тўлади.

Маҳалла гузаридидаги новвойхона, озик-овқат дўкони, болалар ўйингоҳи, стоматология клиникаси, сартарошхона, ҳудуд аёллари учун ташкил этилган соғломлаштириш гимнастикаси маскани мунтазам ишлаб турибди. «Оталар чойхонаси», аёллар сартарошхонаси, тикув цехи, мусиқа чолғу ансамбли тўғараги фаолият юритмоқда. Санъат тўғараги Беш ташаббус доирасида ташкил этилган. — Аслида, қўшиқ тинглаш ва куйлаш болаларни ҳам тарбиявий, ҳам маънавий жиҳатдан ривожлантиради, — дейди маҳалла фаоли, нафақадаги маданият ходими, тўғарак

раҳбари Акмалхон Бадалов. — Кўпинча болаларда алоҳида бир иқтидорни сезганда, ота-оналар, албатта, уларни турли мусиқа марказларига олиб бориши зарур, деган ўй кечади. Яъни болаларга ўз иқтидорларини намоён қилишлари учун ёрдам бериш керак. Маҳалламиздаги истеъдодли ўғил-қизларни санъатга жалб қилиш, иқтидорларини намоён этиш мақсадида 2019 йилда «Фунча» ансамблини ташкил этганмиз. Барча керакли мусиқа асбоблари ҳомийлар ёрдамида олинди. Тўғаракда ўзбек миллий чолғу асбобларидан дутор, рубоб, ғижжак, доира сирлари ўргатиб

келинади. Аъзолар, асосан, 5-6-синф ўқувчилари бўлиб, тўғарак ташкил қилинганди уларнинг сони 4-5 нафар эди, ҳозир эса 20 нафарга яқинни ташкил этмоқда. Тўғарак аъзолари Наврўз, Хотин-қизлар байрами, Хотира ва қадрлаш куни тадбирларида маҳалла аҳолисининг олқишига сазовор бўлишди. Бундан ташқари, туманда ўтказилаётган кўрик-танловларда юқори ўринларни олиб, шаҳар миқёсидаги танловларда қатнашишга эришди.

Абдуллаҳўжа СУЛАЙМОНХУЖАЕВ, Учтепа туманидаги «Хондамир» маҳалла фуқаролар йиғини фаоли.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ

Ўзбекистондаги ҳар бешта оиладан биттаси нафақа олади

2022 йилда НАФАҚА ОЛУВЧИ ОИЛАЛАР СОНИ 2,2 МИЛЛИОН ОИЛАДАН ОШДИ. ЯЪНИ РЕСПУБЛИКАДАГИ ЖАМИ ОИЛАЛАРНИНГ 21 ФОИЗИ ЁКИ ҲАР 5 ТА ОИЛАДАН БИТТАСИ, 18 ЁШГА ТЎЛМАГАН 5 МИЛЛИОНДАН ОРТИҚ БОЛА ҚАМРАБ ОЛИНДИ. МАЗКУР МАҚСАДЛАРГА 7,5 ТРИЛЛИОН СЎМ АЖРАТИЛДИ

Тахририятимизга кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш билан боғлиқ кўплаб мурожаатлар келади. Уларнинг тахлили айрим фуқаролар ҳали-ҳануз қонунчиликдаги ўзгаришлардан беҳабарлиги аён бўлади. Яъни кимга нафақа тайинланиши ёки тайинланмаслиги, бу қандай ҳисобланиши, унинг миқдори қандай бўлиши ҳақида маълумотга эга эмас. Бугун шу ҳақда тўхталиб ўтамиз.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ НАФАҚА ТАЙИНЛАМАЙДИ!

Президентнинг 2020 йил 4 августдаги ПҚ-4797-сон қарорига мувофиқ, 2021 йил 1 январдан бошлаб республиканинг барча ҳудудларида кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлашнинг автоматлаштирилган тизими жорий этилди. Тизимда инсон омилини камайтириш мақсадида «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими («Ягона реестр» АТ) ишлаб чиқилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21 октябрдаги 654-сон қарори билан тасдиқланган Низомга асосан, кам таъминланган оилаларни аниқлаш мезони белгиланган бўлиб, ушбу жараён «Ягона реестр» АТ орқали амага оширилади.

ШУНИ АЛОХИДА ТАЪКИДЛАШ ЛОЗИМКИ, МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ЁКИ БОШҚА ДАВЛАТ ОРГАНИ ТОМОНИДАН НАФАҚАНИ ТАЙИНЛАШ ЁКИ РАД ЭТИШ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.

«Ягона реестр» АТ бугунги кунда 16 та вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларидан 52 турдаги электрон маълумотлар олинмоқда. Бу орқали оиланинг таркиби ва иқтисодий-ижтимоий аҳоли электрон шаклда маълумотлар асосида аниқланиб, нафақа ва моддий ёрдам ахборот тизими орқали автоматик равишда тайинланади ёки рад этилади. 2022 йилдан бошлаб «Ягона реестр» АТ орқали оилани кам таъминланган, деб эътироф этиш жараёнида қўлланиладиган ва **жон бошига тўғри келадиган бир ойлик даромад мезони минимал истеъмол харажатларига (ҳозирда 498 минг сўм) тенглаштирилди.**

Оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган бир ойлик ўртача даромадни ҳисоблашда ногиронлик бўйича нафақа, ногиронлик пенсияси (нафақа миқдори чегирилган ҳолда), боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси, 18 ёшдан катта болаликдан ногиронлиги бўлган шахсларга нафақа, ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болалар ва ОИВ инфекциясига чалинган 18 ёшга бўлган шахсларга нафақа ва ижтимоий характерга эга бўлган бошқа тўловлар инobatга олинмайди.

МУЗЛАТКИЧИ БОР ОИЛАГА НАФАҚА БЕРИЛМАЙДИМИ?

Юқоридаги тизим жорий этилган, фуқароларнинг овоз-рағарчилигига сабаб бўлаётган тартиблар доимий равишда такомиллаштириб борилмоқда. Жумладан, Президентнинг 2021 йил 11 августдаги 6277-сон фармони асосан, 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб:

☑ **14 ёшгача бўлган болалар учун нафақа ва 2 ёшгача болани парвариш қилиш нафақаси ўрнига ягона болалар нафақаси жорий этилди.** Бу орқали фуқароларнинг ҳар бир нафақа учун алоҳида ариза бериш билан боғлиқ овозағарчиликлар бартараф этилди;

☑ **болалар нафақаси кам таъминланган оиланинг ҳар бир фарзандини инobatга олган ҳолда тайинланиши белгиланди.** Бунда 3 ёшгача боланинг парваришlash учун кўпроқ харажат талаб этишини инobatга олиб, уларга юқориқ нафақа миқдори белгиланди;

☑ **болалар нафақаси ёши 18 ёшгача оширилди.** Бу орқали кам таъминланган оилаларнинг мактаб ёшидаги фарзандларининг тўлиқ ижтимоий ҳимояси таъминланмоқда;

☑ **болалар нафақаси тўлови муддати 12 ойга узайтирилди.** Натижада нафақа тайинлаш учун ҳар 6 ойда мурожаат қилиш билан боғлиқ овозағарчиликлар олди олинди.

КАЙД ЭТИШ КЕРАККИ, БОЛАЛАР НАФАҚАСИ ВА МОДДИЙ ЁРДАМ ИШЛАЁТГАН (МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН) ҲАМДА МАЪЛУМ САБАБЛАР ТУФАЙЛИ ДАРОМАДИ КАМ БЎЛГАН ОИЛАЛАРНИ УШБУ ДАВРДА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ УЧУН ТЎЛАНАДИ.

Амалдаги тартиб бўйича аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятининг олдини олиш мақсадида меҳнатга лаёқатли ва соғлом бўла туриб, ишламайдиган фуқароларга нафақа тайинлаш рад этилади. Бунда бир қатор тоифадаги фуқароларга имтиёзли равишда расмий иш билан банд бўлиши талаб этилмайди. Жумладан, бола уч ёшга тўлгунча қадар парвариш қилаётган оналардан, боласини ёлғиз тарбиялаётган оналар (оталар) ҳамда никоҳи бекор қилинган аёллардан (ёлғиз оналар), «Темир дафтар» рўйхатида бўлганлардан, тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзанди борлардан, иш излаб меҳнат органларига мурожаат қилган ҳамда меҳнат органларида ҳисобда турганлардан ва бошқалар.

МАЪЛУМОТ УЧУН: ИШЛАБ ЧИКАРИЛГАНИГА 7 ЙИЛДАН КАМ БЎЛГАН АВТОТРАНСПОРТ ВОСИТАСИ ЁКИ БИТТАДАН ОРТИҚ КЎЧМАС МУЛКИ МАВЖУД ОИЛАЛАРГА НАФАҚА ТАЙИНЛАШ АВТОМАТИК РАВИШДА РАД ЭТИЛАДИ (БУНДА ОИЛАДАГИ МУЗЛАТКИЧ, МИКРОТЎЛКИНЛИ ПЕЧ ЁКИ БОШҚА ОРГТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ МАВЖУДЛИГИ НАФАҚА ТАЙИНЛАШГА ТАЪСИР КЎРСАТМАЙДИ).

Янги тизим жорий этилиши натижасида 2017-2021 йилларда нафақа олувчи оилалар сони қарийб 5 бараварга ортди ва 2022 йилга келиб 2,2 миллион оиладан ошди (республикадаги жами оилаларнинг 21 фоизи ёки ҳар 5 та оиладан биттаси), 18 ёшга тўлмаган 5 миллиондан ортиқ болалар қамраб олинди ҳамда мазкур мақсадларга ажратилаётган бюджет маблағлари 7 бараварга оширилиб, жорий йилда 7,5 триллион сўмга етказилди.

Содиқ АБДУРАСУЛОВ
тайёрлади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

МЕНДА САВОЛ БОР...

Нафақалар қачонгача тўлаб берилиши керак?

Қонунчиликка кўра:

☑ «Темир дафтар», «Ёшлар дафтари» ва «Аёллар дафтари»га киритилганларга ва жазони ўтаб озодликка чиққан фуқароларга бериладиган тўловлар **ҳар ойнинг 5-санасигача молиялаштирилади** ҳамда АТ «Халқ банки»нинг сайёр кассалари томонидан маҳаллаларга етказилади;

☑ АТ «Халқ банки» томонидан пенсия, нафақалар ва моддий ёрдамни фуқароларга нақд етказиш хизматлари учун Пенсия жамғармаси ва бюджетдан **1 фоиз банкка хизмат ҳақи** тўлаб берилади;

☑ пенсия, нафақа, компенсациялар ва моддий ёрдам пулини банк карталари орқали олувчиларга ҳар ойлик **пенсия ва нафақа пулининг 1 фоизи миқдорида қўшимча тўлов** жорий қилинади.

Никоҳ гувоҳномаси йўқолиб қолса...

— Баъзан турли сабаблар билан энг муҳим бўлган ҳужжатларни, масалан, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки никоҳ гувоҳномасини йўқотиш ёки яроқсиз ҳолатга келтириб қўйиш эҳтимоли мавжуд. Шундай вазиятда нима қилиш мумкин?

Мафтуна ШУКУРОВА.
Тошкент шахри.

Севара ЎРИНБОЕВА,
Адлия вазирлиги матбуот котиби:

— Албатта, бундай вазиятда такрорий гувоҳнома олиш керак. Бунинг учун энг яқин ФХДё бўлимига бориш лозим. Қулай жиҳати шундаки, жорий этилган экстерриториаллик тамойили асосида фуқаролар доимий яшаш жойидан қатъий назар, исталган ҳудудий ФХДё бўлимига мурожаат этишларининг имкон мавжуд. Далолатнома ёзувларини тиклаш деганда, илгари шундай ёзув бўлганлигини тасдиқловчи етарли асослар бўлганида, йўқолган ёзувларни қайта тиклаб қўйиш тушунилади. Туғилганлик, никоҳ тузил-

ганлиги, никоҳдан ажралганлик ҳақидаги далолатнома ёзувлари бу ёзувлар кимга нисбатан тузилган бўлса, фақат ана шу шахсларнинг аризасига кўра тикланади.

Агар ўн олти ёшгача бўлган боланинг туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзуви йўқолган бўлса, ёзув боланинг ота-онаси, вассийси, ҳомийси, болалар муассасаси маъмуриятининг аризасига биноан тикланади.

Ўлим ҳақидаги далолатнома ёзувини тиклаш суднинг ҳал қилув қарорига асосан амалга оширилади.

Муҳим маълумот: далолатнома ёзувини ишончнома орқали тиклашга йўл қўйилмайди.

БУГУННИНГ ГАПИ

Фаол фуқароларга компенсация пуллари тўлаб бериляптими?

ЖОРИЙ ЙИЛ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА, РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА ЖАМИ 5 456 ТА МАҲАЛЛА РАҒБАТЛАНТИРИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛГАН. ШУНДАН 211 ТА МАҲАЛЛАНИНГ 581 НАФАР ФАОЛ КЎЧАБОШИ ВА УЙБОШИЛАРИ РАҒБАТЛАНТИРИЛГАН

Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган фуқароларни рағбатлантириш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига кўра, 2021 йил 1 мартдан бошлаб, маҳалла фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган кўчабоши ва уйбошиларга коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаб бериш белгиланган.

Қарор билан фаол фуқаролар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари сифатида тегишли ҳудудда кўча ва кўп квартиралар уйлардаги ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш, ўзи яшаётган кўча ва кўп квартиралар уйлардаги «Темир дафтар», «Аёллар дафтари» ва «Ёшлар дафтари»га киритилган фуқаролар билан ишлаш, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексалар ва ногиронларга, боқувчисини йўқотган оилаларга, нотинч ва муаммоли оилаларга ёрдам кўрсатиш қайд этилган.

Шунингдек, кўчабоши ва уйбошиларнинг аҳолининг иссиқлик ва электр энергиясидан, табиий газдан, иссиқ ва совуқ сувдан тежамли фойдаланишини тарғиб қилиш, тегишли ҳудудда тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимлар, марҳумларнинг хотирасига бағишланган тадбирлар ўтказилишини тартибга солиш, тегишли ҳудудда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқаролар йиғини мажлиси (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) қарорлари бўйича амалга

оширилган тарғибот ишлари ҳисобга олинади.

Қарор асосида коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган бўлиб, ҳар ойлик компенсация пул тўловлари маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг туман (шаҳар) бўлимлари орқали тўланади. Тўловлар тегишли мезонлардан келиб чиққан ҳолда, 70 баллдан юқори балл тўплаган кўчабоши ва уйбошиларга берилади.

Баҳолаш натижалари ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг иккинчи санасига қадар фуқаролар йиғинининг кенгашида муҳокама қилинади ва коммунал хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича ҳар ойда компенсация пул тўловларини тўлашга тавсия этиладиган кўчабоши ва уйбошилар рўйхати йиғилиш баённомаси билан тасдиқланади.

Фуқаролар йиғини раиси ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг бешинчи санасига қадар коммунал

хизматлар учун мажбурий тўловлар бўйича базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизи миқдорида ҳар ойлик компенсация пул тўловларини тўлиб бериш юзасидан туман (шаҳар) бўлимига таклиф киритади.

Тартиб бўйича ҳар чорак якуни бўйича кейинги ойнинг еттинчи санасига қадар тавсия этилган кўчабоши ва уйбошилар рўйхатини туман (шаҳар) ҳокимликларига юборади. Ўз навбатида туман (шаҳар) ҳокимликлари зарур маблағни туман (шаҳар) бўлимларининг махсус ҳисобварақаларига ўтказиб бергач, туман (шаҳар) бўлимлари ушбу компенсация пул тўловларини тўлаб беради.

Энди савол туғилади. Хўш, орадан ўтган муддат давомида қарор ижроси қандай бажарилди? Кўчабоши ва уйбошилар рағбатлантирилдими?

Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги юритган мониторинг натижаларига кўра, жорий йил 1 январь ҳолатига республика бўйича жами 5 456 та маҳалла рағбатлантиришга тавсия этилган. Шулардан 211 та маҳалланинг 581 нафар

фаол кўчабоши ва уйбошилари рағбатлантирилган. Худудлар кесимида бу кўрсаткични кўриб чиқсак, Қорақалпоғистон Республикасида тавсия этилган 47 та маҳалланинг 16 тасидан 46 нафар, Наманган вилоятида 697 та маҳалланинг 64 тасидан 64 нафар, Сирдарё вилоятида 204 та тавсия этилган маҳалланинг 25 тасидан 50 нафар, Хоразм вилоятида 333 та маҳалланинг 25 тасидан 34 нафар, Тошкент шаҳрида 140 та маҳалланинг 81 тасидан 380 нафар кўчабоши ва уйбошиларга компенсация тайинланган.

Афсуски, Фарғона, Андижон, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Жиззах, Бухоро вилоятларида бирорта ҳам маҳалла фуқаролари тавсия этилмаган, рағбатлантирилмаган. Тошкент вилоятдан ташқари қолган худудларда маҳаллалардан фаол кўчабоши ва уйбошилар рўйхати шакллантирилган ва рағбатлантиришга тавсия этилган. Аммо маълум сабабларга кўра, уларга рағбатлантириш учун маҳаллий ҳокимликлардан маблағлар ажратилмаган. Яна бир эҳтимол — ўша пайтда айрим раис-

лар бу қарор моҳиятини тушунмаган бўлиши мумкин.

Шу боис жорий йил май ойида сайланиб, янги иш бошлаган раисларга айрим тавсияларни бериб ўтишни лозим топдик. Қарорда белгиланганидек, рағбатлантириш жараёни маҳалладан бошланади. Маҳалла раиси тавсияси билан Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш туман (шаҳар) бўлими туман (шаҳар) ҳокимлигига юборади. Бу жараён ва рағбатлантириш тартибини барча маҳалла раислари яхши тушунишлари лозим. Шу боис раисларни соҳага оид ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан яқиндан та-ништириш, ижтимоий-сиёсий билимлар, раҳбарлик кўникма ва малакаларини ошириш мақсадида ташкил этилаётган ўқувларда айна мавзу ҳақида тушунчалар берилмоқда.

Баҳром ҚУШБАКОВ,
Маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги «Обод ва хавфсиз маҳалла» тамойилини ташкил этиш, маҳаллалар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш бўлими бош мутахассиси.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

156,8 миллион сўмлик ёрдам кўрсатилди



Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Сардоба тумани бўлими ҳузурида ташкил этилган «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан ижтимоий аҳволи оғир, ёрдам ва моддий кўмакка муҳтож бўлган 50 нафар фуқарога халқ депутатлари туман Кенгашининг қарорига асосан, 156 миллион 800 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, фонднинг туман бўлими «Темир дафтар» рўйхатида киритилган ижтимоий ҳимояга муҳтож, оғир аҳволдаги 59 та оиланинг 221 нафар аъзосининг ҳар бирига 20 килограммдан, жами 4 420 килограмм (22 миллион 900 минг сўмлик) ун маҳсулотларини маҳаллалар ходимлари, сектор раҳбари вакиллари ҳамроҳлигида етказиб берди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

Жамғариб бориладиган пенсияни қачон олиш мумкин?

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини давлат пенсиясига бўлган ҳуқуқ (умумий асосда аёллар 55 ёшга, эркаклар 60 ёшга тўлганда) юзага келган тақдирда олишлари мумкин.

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига доимий яшашга чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

БИЗ УЧУН МУҲИМ!



Айрим корхоналар учун хизмат сафари, бу — оддий ҳол, бошқалар учун хизмат сафарига юборилган ходим ҳамда ташкилот олдида кўпгина саволларни қўядиган ҳодисадир. Чунки хизмат сафари билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, уларнинг айрим нормаларига аксарият ҳолларда амал қилинмайди. Бу иш берувчи билан ходим ўртасида муайян низоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хизмат сафари тўловларининг аниқ миқдорлари белгиланди

ЭНДИЛИКДА ХИЗМАТ САФАРИДАГИ ХОДИМНИНГ БИР КУНЛИК МЕҲМОНХОНА ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН 450 000 МИНГ СЎМДАН 900 000 СЎМГАЧА, КУНДАЛИК ХАРАЖАТЛАРИ УЧУН 105 000 СЎМГАЧА, ЙЎЛ ХАРАЖАТЛАРИ 70 ФОИЗДАН 100 ФОИЗГАЧА ТЎЛАБ БЕРИЛАДИ

Бу ҳолат, ўз навбатида, ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни, шунингдек, бу билан боғлиқ қонунчиликни янада такомиллаштиришни ҳаётий заруратга айлантиради. Айни мақсадда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори билан «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисида»ги Низом тасдиқланди. Ҳўш, ҳужжатда қандай янги тушунчалар бор? Аввалги тартибдан қандай фарқ қилади? Ходимларга тўланадиган миқдорлар ошдими?

30 КУНДАН ОРТИҚ БЎЛМАЙДИ

Низомга кўра, хизмат сафари муддати ташкилот раҳбари томонидан белгиланади. Бунда муддат йўлдаги вақтни ҳисобга олмаганда 30 календарь кундан кўп бўлмаслиги лозим (аввалги қонунчиликда бу тартиб 40 кундан кўп бўлмаслиги керак эди). Ходим узоқ муддатга хизмат сафарига юборилганда, хизмат сафарининг ҳар 30 кунидан сўнг дам олиш кунларида доимий яшаш жойига келиб-кейтиш (йўл-кира) харажатлари қоплаб берилади. Ташкилотда хизмат сафари-

га кетаётган ва қайтаётган шахсларни рўйхатга олиш махсус журналларда «ЎзАСБО» дастурий мажмуасида (ёки бухгалтерия ҳисобини юритувчи ахборот тизимида) электрон юритилади.

Низомда ходимнинг ҳуқуқлари белгилаб берилди. Жумладан, ходимга у юборилган ташкилотдаги иш вақти режими ва дам олиш вақтлари тааллуқли бўлади. Хизмат сафари вақтида фойдаланилмаган дам олиш кунлари хизмат сафаридан қайтганда тикланмайди. Агар ходим дам олиш ёки байрам кунларида хизмат сафарига юборилган жойда ишлаган бўлса, компенсация тўланади.

Худди шундай, ходим хизмат мажбуриятларини бажариш учун дам олиш куниди хизмат сафарига юборилса, унга сафардан қайтгач, бошқа дам олиш кунини берилади. Табиий-иқлим ва маиший шароитлари огир ҳудудларга юборилган ходимларга ўша ҳудуд учун белгиланган қўшимча устамалар тўлаб берилади.

КУНДАЛИК ХАРАЖАТЛАР УЧУН ТЎЛОВ МИҚДОРИ ОШАДИ

Низомга асосан, ходимга ту-

раржой билан боғлиқ харажатлар (меҳмонхона ёки тураржой ижараси), хизмат сафари жойига бориш ҳамда доимий иш жойига қайтиш йўл харажатлари қопланади, шунингдек, кундалик харажатлар учун ҳақ тўланади.

Йўл харажатлари ҳақида сўз кетганда, парламент, ҳукумат ва Президент администратсияси, республика даражасидаги ташкилотлар, ҳудудий ҳокимликлар раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимларининг барча тариф бўйича транспорт харажатлари тўлиқ қоплаб берилади. Бошқа ходимлар учун «эконом» класс чипталар тўлиқ, модомики, VIP ёки «бизнес» классда кетса, 70 фоизи ташкилот томонидан, қолган қисми ходимнинг ўзи томонидан қопланади.

Йўл ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда, ходимлар учун ҳар бир километрга БҲМнинг 0,1 фоизидан (300 сўм) кам бўлмаган миқдорда ҳақ тўланади. Масалан, Тошкент шаҳрида ишловчи ходим Қарши шаҳрига хизмат сафарига юборилди. Унда йўл ҳужжатлари (темир йўл ёки авиачипталар) мавжуд эмас. Ходим маҳаллий таксилар хизматидан фойдаланган ёки шахсий ма-

шинасида борган деб тасаввур қиламиз. Демак, ходимга 450 (Тошкент — Қарши шаҳарлари орасидаги тахминий масофа) $\times$ 300 = 135 000 сўм, бориш-келиш харажатлари учун эса жами 270 000 сўм тўлаб берилиши лозим.

Низом билан кунлик меҳмонхона харажатларини қоплашнинг юқори чегаравий миқдори белгиланди. Жумладан, меҳмонхона харажатларининг бир кунлик қоплаш миқдори тегишлича БҲМнинг 1,5 баробаридан 3 баробаригача (450 000 сўмдан 900 000 сўмгача) миқдордан ошмаслиги лозим. Тураржойда яшагани бўйича харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ҳолларда, ҳар бир сутка учун БҲМнинг 20 фоизи (60 000 сўм) миқдорида қопланади.

Кундалик харажатлар учун ҳақ кўпи билан БҲМнинг 0,35 коэффициентигача (105 000 сўм) тўланади. Бунда овқатланиш харажатларини тасдиқловчи чеклар тақдим этилганда — БҲМнинг 0,25 коэффициентигача (алкоголли ичимликлар ва тамаки маҳсулотлари мустасно), бошқа харажатлар учун БҲМнинг 0,1 коэффициентигача тўлов тўланади. Овқатланиш харажатларини ҳу-

дудий бўлинмаларга юклаш ҳолатларини йўқотиш мақсадида бундай харажатлар QR-кодли харид чеклар ёрдамида қоплаб берилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН, ХОЗИРДА АКСАРИЯТ ТАШКИЛОТЛАР, АЙНИҚСА, ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ КУНДАЛИК ХАРАЖАТЛАР УЧУН БҲМНИНГ 10 ФОИЗИ МИҚДОРИДА, ЯЪНИ БОР-ЙЎҒИ 30 000 СЎМ ТЎЛОВ ТЎЛАБ КЕЛАЁТГАН ЭДИ.

Хуллас, айрим ҳолларда иш берувчи ва ходим ўртасида ни-золи вазиятларга сабаб бўлувчи яна бир ноаниқ ҳолатга ойдинлик киритилди. Энди хизмат сафарига юборилган ходимга тўланадиган тўловларнинг аниқ миқдорлари мавжуд. Шу маънода юқоридаги Низом ҳар икки томон манфаатларига хизмат қилади, десак адашмаймиз.

Санжар ИСМАТОВ.

Тўра Боболов «Пошхурт» маҳалласида бўлди

Сурхондарё вилояти ҳокими Тўра Боболов Шеробод тумани марказидан 45 км. узоқликда жойлашган «Пошхурт» маҳалласидаги 33-сонли мактабда халқ билан очиқ мулоқот қилди. Унда «Учёғоч» ва «Пошхурт» маҳаллалари нурунийлари, фаол хотин-қизлари ва ёшлар иштирок этди.

Учрашувда вилоят ҳокими дастлаб Конституциявий ислохотларнинг ҳуқуқий асослари, ташкилий-амалий тадбирлар, таклифларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш жараёнлари, Конституциявий қонун лойиҳасининг ишлаб чиқи-лиши ва умумхалқ муҳокамасига кўйилиши ҳақида атрофлича маълумот берди.

Тадбирда нурунийлар, хотин-қизлар ва ёшлар вакиллари сўзга чиқиб, қонун лойиҳаси ҳақида фикр-мулоҳаза юритди. Маҳаллалари, хонадон ва ўз ҳаётларида содир бўлаётган ўзгаришларни алоҳида эътироф этиб, тинч, тўкин турмушдан мамнун эканликларини

қайд этди.

Тадбир доирасида маҳаллалар ёшлари ўртасида ташкил этилган миллий ўйинлар ҳамда шахмат-шашка мусобақалари ғолиблари пул мукофоти ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Шунингдек, вилоят ҳокими ушбу маҳаллалардаги «бешлик» фаолияти билан танишиб, ҳудуд шароитидан келиб чиқиб, ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, махсус дафтарлардаги фуқаролар билан индивидуал ишлаш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича ўз таклиф ва тавсияларини берди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

РАҒБАТ



Ҳоким ёрдамчиларига қандай қўшимча тўловлар тўланади?

«ҚАРС ИККИ ҚЎЛДАН» — ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ ЎЗИГА БИРИКТИРИЛГАН МАҲАЛЛАДА ҚАНЧА КЎП ИШ ЎРНИ ЯРАТСА, БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАСА, ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРСА, ОЙЛИК МАОШИ МИҚДОРИ ШУНЧА МАРТА ЯХШИЛАНИБ БОРАВЕРАДИ

Ҳоким ёрдамчилари аҳоли билан ҳар куни ишлаб, одамларга давлат томонидан яратилаётган имкониятларни етказиши, тадбиркорликка ва деҳқончиликка ўргатиш орқали уларни камбағалликдан чиқариши лозим. Бу мақсадлар учун жорий йилда 10 триллион сўм имтиёзли кредит ва 2,5 триллион сўм субсидия (ҳар бир маҳаллага ўртача 1,3 миллиард сўм) ажратирилиши белгилаб қўйилган.

Шу билан бирга, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасидаги кредитлар, Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси ва Ҷамоат ишлари жамғармаси, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, «Аёллар дафтари» жамғармаси, «Ёшлар дафтари» жамғармаси ҳисобидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш, ўзини ўзи банд қилиш ва иш билан таъминлаш учун ажратиладиган субсидиялар ҳоким ёрдамчиларининг тавсиялари асосида берилади.

ОЛТИ ОЙДА ҚАНЧА ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ?

Айтиш керакки, юқоридаги ишлар барча маҳаллаларда белгиланган тартиб асосида йўлга қўйилиб, жорий йилнинг олти ойи давомида ҳоким ёрдамчилари тавсияномалари асосида 177 мингта лойиҳага жами 4,4 триллион сўм имтиёзли кредит ва 24 мингдан ортиқ ишсизларга 60 миллиард сўм субсидиялар ажратилди, 128 минг нафар аҳоли касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилди.

Қолаверса, шу муддат ичида ҳоким ёрдамчилари томонидан 1,4 миллион фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланди. Жумладан, уларнинг 210 минг нафари доимий иш жойларига жойлаштирилган, 722 минг нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатга олинган, 47 минг нафари якка тартибдаги

тадбиркорликка ва 108 минг нафари ҳақ тўланадиган Ҷамоат ишлари жалб қилинган, 316 минг фуқарога ижара асосида ер ажратилган.

Шунингдек, улар томонидан шакллантирилган 25 мингдан ортиқ «маҳаллабай» микролойиҳаларнинг 9,5 мингтаси ишга туширилди. «Бир маҳалла — бир маҳсулот» тамойили асосида 3 минг 51 та ихтисослашган маҳалладаги 632 мингта аҳоли хонадонига 79 минг гектар ер майдонларидан самарали фойдаланиш йўлга қўйилди.

КОМПЕНСАЦИЯ ВА ТЎЛОВЛАР ҚАНДАЙ БЕРИЛАДИ?

Албатта, юқоридаги ишлар ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун тинимсиз изланиш, маҳалладаги ҳар бир фуқаронинг, айниқса, ишсизларнинг дардини ҳис этиш, бунинг масъулиятини англаш зарур. Шу ўринда бугун фидойилик билан меҳнат қилаётган ҳоким ёрдамчиларини рағбатлантириб бориш тартиби йўлга қўйилганини айтиб ўтиш ўринли. Хўш, улар қандай рағбатлантирилади? Компенсация ва тўловлар қандай берилади?

Айни жиҳатлар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 16 февралдаги 72-сон қарори билан тасдиқланган **«Ҳоким ёрдамчилари фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси тўғрисида»**ги Низомга асосан амалга оширилади.

Унга кўра, Жамғарма маблағлари ҳисобидан ҳоким ёрдамчилари иш ҳақининг

аввалги иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи миқдоридан кам бўлган қисмини компенсация қилиш харажатлари ҳар ой якуни билан амалга оширилади. Бунда ўртача ойлик иш ҳақи миқдори Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сон қарори билан тасдиқланган ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартибига асосан ҳисоблаб чиқилади.

Шунингдек, бошқа ҳудудлардан келиб ишлаётган ҳоким ёрдамчилари учун базавий ҳисоблаш миқдорининг (БҲМ) икки баравари (600 минг сўм) миқдорида тураржой ижараси харажатлари учун компенсация тўланади.

Низомда қайд этилишича, ҳоким ёрдамчилари самарали фаолияти учун рағбатлантириб борилади. Бунда «Онлайн маҳалла» электрон платформасига қараб, ҳоким ёрдамчиларининг фаолияти «қониқарли» деб топилганда — **ойлик иш ҳақининг 15 фоизи**, «яхши» деб топилганда — **ойлик иш ҳақининг 30 фоизи**, «аъло» деб топилганда — **ойлик иш ҳақининг 50 фоизи** миқдорида уларга **ойлик мукофот пули тўланади**.

Шунингдек, йил якуни бўйича ўзига бириктирилган ҳудудда юқори натижаларга эришган ҳоким ёрдамчиларига ипотека кредити асосида уй-жой харид қилиш учун **уй-жой қийматининг 50 фоизига**ча (бирок 150 миллион сўмдан ошмаган миқдорда) субсидия тўлаш харажатлари амалга оширилади.

«Янги Ўзбекистон ислохотчиси»

қўрак нишони билан тақдирланганларга БҲМнинг беш баравари (1 миллион 500 минг сўм) миқдорида бир йўла тўланадиган пул мукофоти берилади.

МАЪЛУМОТ УЧУН: ОЙЛИК ИШ ҲАҚИ ЎРТАСИДАГИ ФАРҚНИ КОМПЕНСАЦИЯ ҚИЛИШ, УЙ-ЖОЙЛАРНИ ИЖАРАГА ОЛГАНЛИК (ИЖАРАДА ТУРГАНЛИК) УЧУН ҲАР ОЙЛИК ПУЛ КОМПЕНСАЦИЯСИНИ ТЎЛАШ, ИПОТЕКА КРЕДИТИ АСОСИДА УЙ-ЖОЙ ХАРИД ҚИЛИШ УЧУН СУБСИДИЯ АЖРАТИШ ТАРТИБЛАРИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ ТОМОНИДАН ТАСДИҚЛАНАДИ.

Бир сўз билан айтганда, «қарс икки қўлдан» — ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллада қанча кўп иш ўрни яратса, бандликни таъминласа, тадбиркорликни ривожлантирса, камбағалликни қисқартирса, бир сўз билан айтганда, ҳудудда юқори натижаларга эришса, ойлик иш ҳақи миқдори ҳам шунча марта яхшиланиб бораверади. Бундан эса ҳар икки томон — оддий аҳоли ҳам, ҳоким ёрдамчисининг ўзи ҳам ютади, албатта.

Санжар ИБРОҲИМОВ тайёрлади.

РАИС ЁН ДАФТАРИГА!

«Ёшлар дафтари»дагиларга қандай ёрдам кўрсатилади?

Ҳукуматнинг 2022 йил 7 июндаги 312-сон қарорига асосан, «Ёшлар дафтари»га киритилган ёшларга қуйидаги ёрдам турлари кўрсатилади:

- моддий аҳоли оғир ёшларга бир марталик моддий ёрдам (БҲМнинг 4 бараварига — 1,2 млн. сўмгача) берилади;
- ёшларни тадбиркорликка ва касб-хунарга ўқитиш учун сарфланган

харажатларнинг 75 фоизигача қисми (бир ойгача БҲМнинг 4, бир ойдан икки ойгача БҲМнинг 8, икки ойдан ортиқ муддатли ўқув курслари учун БҲМнинг 12 бараваридан кўп бўлмаган қисми) қоплаб берилади;

- тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтган ёшларга фаолиятини амалга ошираётган нотураж жойнинг 12 ойгача ижара харажатларининг бир

йилда 30 фоизи, бирок БҲМнинг 25 бараварига (7,5 млн. сўмгача) бўлган қисми қоплаб берилади;

- республикадаги профессионал таълим ташкилотларида ўқиётган, шунингдек, Ўзбекистондаги барча олий таълим ташкилотларида бакалавриятнинг кундузги, сиртки ва кечки шаклида, магистратуранинг кундузги йўналишида таълим олаётган ўқувчи-талабаларга тўлов-

контракт асосида ўқиш бўйича йиллик харажатларининг бир қисми қоплаб берилади;

- ёшларга таълим, маданият ва санъат, спорт, ахборот технологиялар соҳасига ва фанларни ўқитишга ихтисослашган нодавлат таълим ташкилотининг 3 ой муддатгача нотураж жой ижара харажатлари учун БҲМнинг 50 бараварига (15 млн. сўмгача) миқдорда қоплаб берилади.

БУГУННИНГ ГАПИ

Қайси соҳаларда меҳнат ҳуқуқлари энг кўп бузилган?

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДА 11 916 ТА ҲОЛАТДА ХОДИМЛАРНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚЛАРИ БУЗИЛГАН. БУ СОНЛАРНИ ТАХМИНИЙ ҲИСОБДА МАКТАБЛАР КЕСИМИДА ОЛАДИГАН БЎЛСАК, ДЕЯРЛИ ҲАР БИР МАКТАБГА БИТТАДАН ҚОНУН БУЗИЛИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА

Катта жамоанинг муаммоси катта бўлади. Масалан, кейинги пайтда қайси мавзу кўтарилса, унда, албатта, таълим соҳасини учратяпмиз. Айниқса, ходимлар меҳнат ҳуқуқлари бузилиши борасида халқ таълими тизими азалдан оғрикли вазирлик бўлиб келган. Аммо сўнгги йилларда бу борада муаммоларни комплекс ҳал этиш мақсадида педагог кадрлар ҳуқуқлари қонуний ҳимоя қилинди. Жумладан, мажбурий меҳнатга жалб қилиш тақиқланди.

Лекин Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан эълон қилинган Ўзбекистонда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари энг кўп қайси соҳада бузилгани бўйича статистика соҳадаги аҳвол ҳамон ачинарли эканини кўрсатмоқда. Қайд этилишича, Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 916 та ҳолатда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилган. Бу сонларни тахминий ҳисобда мактаблар кесимида оладиган бўлсак, деярли ҳар бир мактабга биттадан қонун бузилиш ҳолати тўғри келмоқда.

Энг ачинарли томони, тизимдаги меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатлари бошқа соҳаларга нисбатан, мисол учун, тиббиёт ва мактабгача таълим ташкилотларидан 2-3 баравар кўпроқни ташкил этмоқда. Қуйи тизимдаги айрим "мутасаддилар"нинг қонунчилик ҳужжатларини нотўғри талқин қилиши, педагог ходимларни иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунларида ишга жалб этишда қонунчилик талабларига риоя қилмаслиги, ўқитувчиларнинг иш ҳақи ва устамаларини тўлаб беришда

сусткашликка йўл қўйиши тизимдаги меҳнат қонунчилиги бузилиши ҳолатларини «юқори поғонага» олиб чиқиб қўйди, десак хато бўлмайди.

Ҳуқуқшунос Сайидали Мухторалиевнинг фикрича, бу меҳнат ҳуқуқлари даражаси бўйича вазирга берилган баҳо. Яъни юқоридаги раҳбарлар қуйига тушиб, аҳвол билан яқиндан танишмаяпти. Масалан, ҳар бир мактабда алоҳида кадрлар бўйича менежер штатлари очилган. Лекин гувоҳ бўлганимиздек, бу ҳам вазиятни яхши томонга ўзгартира олмаган. Сабабини билиш учун юқоридаги раҳбарлар, айнан вазирлик раҳбарияти қуйига тушиши керак. Аслида, мактаб директорлари бу менежерларни ҳалигача ўз котиблари ёки котибаларидек тасаввур қилишади.

Маълумотга кўра, 2022 йилнинг биринчи ярмида умумий ҳолатда меҳнат тартибини бузган 5 минг нафардан ортиқ мансабдорга 12 млрд. сўмдан ортиқ жарима қўлланган.

Қонунбузилишларнинг энг кўпи халқ таълимида бўлса,

кейинги ўринда тиббиёт ва мактабгача таълим тизими турибди. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида 2 минг 237 та, қурилишда 1 минг 977 та, олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида 1 минг 127 та, 716 та нефть-газ корхоналарида, 552 та транспорт соҳасида, 444 та саноат корхоналарида, 356 та савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналарида мансабдор шахслар томонидан қонунбузилиш содир этилган.

Ҳўш, ходимларнинг бузилган меҳнат ҳуқуқларини тиклаш борасида қандай ишлар амалга оширилган?

Жорий йилнинг ўтган даврида 623 нафар ходим ноқонуний ишдан бўшатилгани сабабли ишга тикланган. Шундан 287 нафари аёллар. 1 минг 584 нафар фуқаронинг жами 8 млрд. сўмга яқин миқдордаги иш ҳақларини ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судларга даъво аризалар киритилган. 24 та ҳолатда бахтсиз ҳодисалар туфайли ходимлар ёки уларнинг оила аъзоларига 1 млрд. сўмдан ортиқ миқдордаги тоvon пуллари ундириб берилган. 11 минг 604 нафар фуқаронинг

муурожаатлари кўриб чиқилиб, 6 минг 551 таси қаноатлантирилган. 4 минг 57 нафар фуқаронинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланган бўлса, 4 минг 546 нафарига тегишли маслаҳат ва тушунтиришлар берилган.

Урганишларда айрим корхона ва ташкилотларда иш вақтидан ташқари, дам олиш ва байрам кунлари ходимларни ишга жалб этиш ҳоллари учраган бўлиб, бу борада 194 та ходимнинг бузилган меҳнат ҳуқуқлари тикланган.

Яқунда яна бир мулоҳазани айтиб ўтиш жоиз. Мана шу каби муаммоларда фақатгина ўша ташкилот ёки корхонага айбни юклаш ҳам нотўғри. Бунда ходимларнинг ҳам ҳиссаси бор. Масалан, кўплаб ўқитувчилар халқ таълимига оид қабул қилинаётган норматив ҳужжатлардан хабардор эмас. Демак, қайси тизим ходими бўлмасин, ўша соҳага оид қонунларни, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларни мукаммал билиб олмас экан, қонунбузилишлар давом этaveraди.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

Фидойи ёшлар етакчилари сараланди

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 январда қабул қилинган "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, "Фидойи ёшлар етакчиси" кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди.



МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

Танлов ёшларга оид давлат сиёсатини самарали ташкил этиш, ёшлар етакчиларининг маънавий савияси ва билимини ошириш орқали маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳит ривожига ҳисса қўйиш, ёшларда Ватанга муҳаббат, халқимизга садоқат туйғуларини тарбиялашни қўллаб-қувватлаш ҳамда бу борадаги етакчилар иш тажрибасини оммалаштириш ва уларнинг меҳнатини муносиб рағбатлантириш каби мақсадларга хизмат қилади.

Танлов якунига кўра, Гулистон шаҳар "Бўстон" маҳалласи етакчиси Баҳодир Абдуллаев биринчи ўринни қўлга киритди. Ширин шаҳар "Мирзо Улуғбек" маҳалласи етакчиси Шаҳзод Тожиқулов иккинчи, Оқолтин тумани "Обод" маҳалласи етакчиси Жасур Усмонов учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиблар ташкилотчиларнинг диплом ва совғалари билан тақдирланди.

БИЛАСИЗМИ?

Оилавий боғча ходимларига субсидия тўланади

"Мактабгача таълим соҳасида давлат-хусусий шериклик муносабатларини замонавий рақамли технологиялар ёрдамида соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ҳукумат қарори (426-сон, 02.08.2022 й.) қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2022 йил 1 сентябрдан давлат-хусусий шериклик асосида фаолият юритаётган боғчаларда, оилавий боғчаларда: бюджетдан субсидиялар ходимларнинг ишга келиб-кейтиши ҳамда тарбияланувчиларнинг давоматидан келиб чиқиб нодавлат мактабгача таълим ташкилотларини бошқариш ахборот тизимида автоматик ҳисоблаб чиқилади;

ходимларнинг ишга келиб-кейтишини ҳисобга олиш ҳамда тарбияланувчиларнинг давоматини юритиш мобилъ илова ёрдамида шахсни биометрик идентификация қилиш технологияси орқали амалга оширилади;

ҳисобот ойида тарбияланувчиларнинг ойлик давомати рўйхатга олинган тарбияланувчиларга нисбатан 40 фоиздан кам бўлганда, ушбу ой учун бюджетдан иш ҳақи тўланмайди.

ЛОЙИХА

Ўзбекистонда қудуқ бурғилашга мораторий жорий қилинадими?

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА НАВОИЙ, САМАРҚАНД, ЖИЗЗАХ, ҚАШҚАДАРЁ, НАМАНГАН, ФАРҒОНА ВА АНДИЖОН ВИЛОЯТЛАРИНИНГ АЙРИМ ХУДУДЛАРИДА ЕР ОСТИ СУВ САТҲИНИНГ 5 МЕТРГАЧА ВА УНДАН ОРТИҚ ПАСАЙИБ КЕТГАНИ КУЗАТИЛГАН



Президент қарори лойиҳасига кўра, 1 августдан бошлаб ер ости чучук сувларига қудуқ бурғилаш ва сувдан махсус фойдаланишга рухсатнома бериш бўйича мораторий жорий қилиниши мумкин. Ушбу хабар ижтимоий тармоқларда катта муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Ҳозирча қарор муҳокамага қўйилган. Балки у тасдиқланмас, аммо юртимизнинг катта ҳудудларида суғориш ва ичимлик сув билан боғлиқ муаммолар йилдан-йилга кескинлашиб бораётгани бор гап.

Бунга айрим ҳудудлардаги ер ости сувлари сатҳининг кўп йиллик ўртача меъёрдан 5 метр ва ундан ортиқ пасайиб, улар ресурсларининг камайиб кетиши сабаб бўлгани айтилмоқда. Бироқ ер ости сувлари билан томорқасини суғорадиган аҳоли ва фермерлар, агар қудуқлардан фойдаланиш тўхтатиладиган бўлса, қурғоқчилик даврида экинга бошқа сув манбасини топиш имконсиз эканини таъкидламоқда.

— Олтиариқ туманида, умуман, водий вилоятларининг катта қисмида экинлар ва боғу роғлар айнан ер ости сувларини кичик насос билан тортиб олиш орқали суғорилади, — дейди олтиариқлик миришкор боғбон Валижон Тошматов. — Агар бу сувларга қўшимча тўловлар жорий қилинадиган бўлса, мамлакатимизда сабзавот, мева ва қолган экинларни етиштиришда катта қийинчиликлар келиб чиқиши мумкин.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ва соҳа мутахассисларининг ер ости сувлари мониторинги натижаларига кўра, сўнгги йилларда Навоий, Самарқанд, Жиззах, Қашқа-

дарё, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларининг айрим ҳудудларида ер ости сув сатҳининг 5 метрча ва ундан ортиқ пасайиб кетгани кузатиш мумкин. Шу боис бу ҳудудларда ерларни суғориш ва ишлаб чиқариш мақсадларида ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш ҳамда мавжуд қудуқлардан сув тежовчи технологияларсиз ерларни суғориш тақиқланади.

— Давлат аҳоли ва унинг томорқасини сув билан тўлиқ таъминлай олишга ҳозирча кучи етмайди, — дейди сурхондарёлик деҳқон Ғуломжон Раҳмонқулов. — Одамлар ўзлари яшаш учун, шароитини яхшилаш учун қўлидан келган ҳаракатни қилиб, моторлар, насослар билан сув чиқариб, экин-текин қияпти, дарахтлар экиб, боғлар яратишяпти. Насос ва моторларсиз, умуман, ер ости сувларидан фойдаланмасликни тасаввур ҳам қилолмаймиз. Чунки ариқларимизда, каналларимизда сув йўқ. Агар бу қудуқлар фаолияти тўхтатилса, оқибати нима бўлишини билмайман.

Қарорда ичишдан ташқари мақсадларда сув ҳисоблаш воситаларисиз ер ости сув-

ларидан фойдаланилганда солиқ тўлови белгиланган солиқ ставкаси 5 баравари миқдорида ундирилади, дейилмоқда. Бу деҳқоннинг экинидан олган даромади солиқнинг ўзига кетади, дегани эмасми? Аслида, халқимизнинг асосий қисми бир парча еридан даромад олади, холос. Бу ҳаттоки, фермерларга ҳам тегишли. Агар қудуқларга мораторий эълон қилса, унда аввал сув етказиб беришни ташкиллаштириш керак бўлади. Сув тежамкор технологиялар тарғиботини кенгайтириб, томчилаб суғоришни йўлга қўйишга зарурат туғилади. Минглаб гектарга шולי экишни, балки йиғиштириш керакдир. Бир гектар шוליга 20 минг куб сув кетар экан, энди ўйлаб кўринг, шוליни ундан кўра четдан сотиб олиш арзонга тушмасмикан?

Қолаверса, рухсатсиз бурғилаш кўпайиб кетган. Сал олдинроқ Вазирлар Маҳкамасининг учта ҳудудга — Самарқанд вилоятининг Қўшработ, Навоий вилоятининг Нурота ва Жиззах вилоятининг Зомин туманига оид қарори чиққан эди. У ерда деҳқончилик ерларини ўзлаштиришлар кўп, ҳамма-

си ўзига рухсатсиз «скважина» қазиб олган. Натижада ер ости сувлари мақсадсиз сарфланган. Энди сув сатҳи беш метрдан тушиб кетса, фақат ичимлик сув учун, беш метрча бўлса, унда фақат давлат дастурлари доирасида қазилган рухсат берилиши назарда тутилмоқда.

Аммо агар экинлар томчилатиб суғориш асосида суғорилса, сувни тежайдиган илғор технологияларни қўллаганда ер ости сувларидан қўшимча тўловсиз фойдаланишга рухсат берилади. Чунки эгитлаб суғоришда бир квадрат метрга 600 литр сув кетади, агар томчилатиб суғориладиган бўлса, бир гектарга 300 литр сув кетади. Фарқи катта.

Аммо бу қарорни кўпчилик нотўғри тушунапти, бунда аҳолининг ўз томорқасини ёки чорвоғини суғориш ҳақида гап бормаяпти. Масалан, сиз ўзингизнинг уйингиздан кунига беш кубометргача сув оладиган бўлсангиз, унга ҳеч қандай рухсатнома шарт эмас.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси гидрогеология бўлими бош мутахассиси Нодир Бойбобоевнинг айтишича, ер ости

сувлари ўзининг барқарор ҳолатига келмагунча мораторий давом этади.

Аммо бизини ўйлантираётган энг катта муаммо ҳали олдинда. Агар ушбу қарор маъқулланадиган бўлса, «Яшил макон» умуммиллий доирасида экилган миллионлаб ниҳолларнинг ҳоли нима бўлади? Ўзи ҳозир ҳам сувни маълум бир соатдагина ғамлаб оладиган ҳудудларнинг аҳоли нима бўлади? Саволлар кўп, бу соҳада муаммолар ҳам тоғдек. Қолаверса, ер ости сувларидан бетартиб фойдаланишда коррупцион ҳолатлар бор. Бироқ ер ости сувлари сатҳи пасайиб кетаётгани шунчаки ваҳима эмас. Агар аҳвол шу тариқа давом этса, юртимизга яқин йилларда каттиқ қурғоқчилик таҳдид солиши ҳеч гап эмаслигини мутахассислар кўп ва ҳўп таъкидлашмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ер ости сувлари, асосан, дарёлардан, ёғингарчиликдан тўйинади. Мутахассислар сўнгги йиллардаги глобал иссиқлик, ёғингарчиликнинг кам бўлиши ер ости сувларининг камайишига олиб келганини айтишмоқда.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

1 гектар узумдан 200 млн. сўм даромад

Узумчилик сердаромад соҳа бўлиб, мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, жорий мавсумда 1 гектар ғалладан 25 миллион сўм, 1 гектар пахтадан 30 миллион сўм даромад олинса, ҳосилга кирган 1 гектар узумзордан 70 миллион сўм, агар бу маҳсулот экспорт қилинса, 120 миллион сўм даромад олиш мумкин экан.



Азалдан деҳқончилик маданияти ривожланган юртимизда мевазор боғ яратиш билан бирга тоқзор-узумзор яратишга алоҳида эътибор қаратиб келинган. Қай бир гўшага, ҳовлига назар солманг, албатта, турфа хил навли ток, узумзор боққа кўзингиз тушади. Роппароса бир йил бурун Бухоро вилоятининг Шофиркон, Ғиждувон, Қорақўл ва Пешкў туманлари ҳокимлари, узумчилик ҳўжалиги раҳбарлари, тажрибали боғбонлар, ҳар бир тумандан иккитадан пешқадам маҳалла раислари водий вилоятлари, хусусан, Фарғонанинг Олтиариқ туманида узумчилик бўйича амалга оширилган ишлар билан бирма-бир танишиб, билим ва тажрибаларини ошириб келганди.

— Водий вилоятлари тажрибаси асосида Вобкент туманида ҳам узумчиликни ривожлантириш ва аҳоли хонадонларида узум етиштиришни ташкил этиш чора-тадбирлари жадал бошлаб юборилган, — дейди Вобкент тумани ҳокими ўринбосари Шариф Исломов. — Бугун туманда мавжуд тоқзор майдони 900 гектарни ташкил этаётган бўлса, шундан 310 гектари олтимишга яқин фермер ҳўжалиги тасарруфида. Қолган

590 гектари эса аҳоли томорқалари, ҳовлиларидаги тоқзорлардир. Ҳудудда фақат ихтисослашган фермер ҳўжаликларида етиштирилаётган сара узум ҳосили жорий мавсумда 3 минг тоннага етказилмоқда. Аҳоли хонадонларидаги ҳосил билан қўшганда эса бу хирмон янада мўл салмоғига эга бўлади, албатта.

Биргина «Латифсубунгар» маҳалласини олсак, бугунга келиб ундаги қирқдан ортиқ хонадонда жами 700 метр узунликда ток ҳавозалари тайёрланган ҳолда, «Войиш усули»да узум етиштириш тажрибаси кенг қўлланилаётганини кўриш мумкин. Бунда жами 1 200 тупдан ортиқ «тойфи», «хўсайни», «қора кишмиши», «шибирғони» каби узум кўчатлари, жумладан, Фарғонадан келтирилган 400 туп «Ризамат ота» навли кўчат ўтказилган. Тажрибадан кўринишича, биргина маҳаллий иқлимга мос хушхўр ва харидорғир «Ризамат ота» навли узумдан гектарига 15 тоннага етказиб ҳосил кўтариш ва бир мавсумда 200 миллион сўм атрофида даромад олиш мумкин экан.

С.ИБРОҲИМОВ.

ОГОҲЛИК

Одам савдоси балосидан қутилиш йўли борми?

ОДАМ САВДОСИ ҚУРБОНЛАРИ ШУНЧАКИ ЎҒИРЛАБ КЕТИЛМАГАН, АКСИНЧА ХОРИЖДА ЯХШИ ИШ ТОПИБ БЕРИШ, МЎМАЙ ДАРОМАДГА ЭРИШИШ КАБИ ЁЛҒОНЛАР БИЛАН ТУЗОҚҚА ТУШИРИЛГАН

Одам савдоси трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг хавфли турларидан бири сифатида бутун жаҳон ҳамжамияти учун оғрикли муаммога айлангани сир эмас. Ёш, жинс, миллат ва ирқ танламас бу жиноят, афсуски, дунё бўйлаб кенг тарқалган ва илдиз отган. Унинг қурбонлари тасаввуримиздан анча кўп. Энг ёмони, Ўзбекистонда ана шу қабих жиноят қурбонлари кўплаб топилади.

ОАВ орқали кўпинча «қизларни Туркияга сотмоқчи бўлганлар тухтатиб қолинди, одам савдоси билан шуғулланадиганлар фош бўлди, одам савдоси қурбонлари юртимизга қайтарилди» каби мазмундаги хабарлар берилади. Кимдир бу менга тааллуқли эмас, дейиши мумкин, аммо яқинлари, қариндошлари ёки дўстлари орасида хорижга ишлашга борадиганлар топилиши аниқ. Одам савдоси қурбонлари шунчаки ўғирлаб кетилмаган, аксинча хорижда яхши иш топиб бериш, мўмай даромадга эришиш каби ёлғонлар билан тузоққа туширилган.

АСОСИЙ САБАБ — МОДДИЙ ЕТИШМОВЧИЛИК...(МИ?)

«Ижтимоий фикр» Республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ҳамда «Истиқболли авлод» ижтимоий-ахборот маркази ҳамкорлигида одам савдоси қурбонига айланиб, ўзга мамлакатда қулликда сақланиб қайтган фуқаролар иштирокида тадқиқот ўтказган. Унда фуқароларнинг қулликка тушиб қолишининг асосий сабаблари ва унинг оқибатларини аниқлаш, уларнинг ижтимоий портретини ўрганишга урғу берилган. Тадқиқотда аниқланишича, меҳнат ёки бошқа турдаги қулликка, асосан, 30 ёшдан 50 ёшгача бўлган эркеклар ва 25 ёшдан 40 ёшгача бўлган хотин-қизлар кўпроқ тушади. Сўров натижасига кўра, моддий қийинчиликларни бошидан кечираётган фуқаролар одам савдоси қурбонига айланаётгани аниқланган бўлиб,

иштирокчиларнинг 37,7 фоизи ўз оилаларини кам таъминланган оилалар сирасига киритиши, 54,1 фоизининг оилаларида вақти-вақти билан моддий қийинчиликлар пайдо бўлиб туриши маълум бўлган. Қолган 8,2 фоиз иштирокчиларнинг оилалари моддий жиҳатдан яхши таъминлангани қайд этилган. Ўрганишлар давомида респондентларга қандай қилиб қулликка тушиб қолгани ҳақида саволлар берилган. Натижада эксплуатация қилинган фуқароларнинг аксарияти, яъни 52,5 фоизи тасодифан нотаниш шахсларга ишониб, жиноятчилар қўлига тушиб қолган, қолган 41 фоизини танишлари, жумладан, қариндошлари (3,2 фоиз) алдаб кетган.

БИЗ ҚАНДАЙ КУРАШАЙМИЗ?

Сўнгги йилларда бу борада сезиларли ишлар амалга оширилди. Қонунчилик базаси мустаҳкамланди, Миллий комиссия тузилди, хорижга ишга юборишнинг янгича, ишончли, адолатли йўллари ишлаб чиқилди. Чет элда алданиб қолганларга амалий ёрдам кўрсатилмоқда. Мажбурий меҳнатга жалб қилиниб, маоши тўланмаётганларнинг иш ҳақи қонуний йўл билан ундириб берилмоқда. Одам савдоси қурбонлари Ватанга қайтарилмоқда. Маълумотларга кўра, йил бошидан буён хорижий давлатлардан 369,6 минг нафар меҳнат мигрантлари юртимизга қайтиб келган. «Маҳалла – меҳнат

органлари – сектор – Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги филиали» тизими асосида хориждан қайтганларнинг 326,5 минг нафари (88 фоизи) уйма-уй юриб ўрганилди, қолган 43,1 минг нафар (12 фоизи) меҳнат мигрантлари билан мониторинг ишлари олиб борилмоқда. Мониторинг давомида хориждан қайтиб келганларнинг 262,1 минг нафарининг расмий ва норасмий бандлиги таъминланган, 7,9 минг нафари маълум сабабларга кўра, меҳнатга лаёқатсизлиги, 18,5 минг нафари ишлаш учун чет элга қайтиб кетгани ҳамда 38 минг нафари вақтинча ишсиз экани аниқланган.

АГЕНТЛИКЛАР ХИЗМАТ ҲАҚИ ОЛИШИ ҚОНУНГА ЗИД!

Бу каби рақамларни санасак, маълумотлар кўп. Аммо бу жиноятдан жабрланганлар ҳамон орамизда учрамоқда. Бунга ишончли иш берувчи билан ҳамкорлик қилмаслик, турли сохта агентликлар ва одамларнинг фирибгарлиги қурбонига айланиш кабиларни қўшиш мумкин. Хўш, бу борада хорижда ишлаш истагидагилар нима қилиши лозим? — Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги хусусий бандлик агентликлари реестридан ўтган 80 та юридик шахсга хорижда ишлаш истагидаги фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берган, — дейди Бандлик ва меҳнат муносабатлари

вазирлиги бошқарма бошлиғи Зоҳид Асқаров. — Ўтган давр мобайнида 71 та хусусий бандлик агентлигининг лицензияси бекор қилинган (шундан 59 таси қорхонанинг аризасига мувофиқ, 12 тасига нисбатан жиноят иши очилган). Ҳозирги вақтда лицензияга эга 9 та хусусий бандлик агентлигининг 6 таси фаолият юритмоқда. Расмий фаолият юритиладиган агентликлар номи Вазирлик веб-саҳифасида эълон қилинади. Афсуски, агентлик ва консалтинг никоби остида лицензиясиз фаолият олиб борувчилар сони ортиб бормоқда. Улар фуқароларни алдаш баробарида хизмати учун катта миқдорда ҳақ олишмоқда. Натижада алданганлар, фирибга учраганлар сони ортмоқда. Мутасаддининг маълум қилишича, лицензия асосида фаолият кўрсатаётган бундай агентликлар фуқародан хизмат ҳақи олиши қонунга зид. Агентлик хизмат ҳақи масаласини иш берувчи билан ҳал қилиши лозим. Аммо консалтинг хизматлари учун БХМнинг 1 баравари миқдориди, яъни 300 минг сўм олиши мумкин. Борди-ю сиз мурожаат этган агентлик ёки консалтинг юқорида айтилгандан ортиқ пул талаб қилса, билингни, унинг фаолияти қонуний эмас ёки қонунларни четлаб ўтишга уринмоқда. Ана шундай вазиятларда тегишли органларга мурожаат қилиш энг мақбул йўлдир. Бу фирибгарлик ёки одам савдоси қурбони бўлишнинг олдини олади.

Улуғбек ИБОДИНОВ.

Алиментни қайси ҳолларда Жамғарма тўлаб беради?

Хукумат қарори (427-сон, 03.08.2022 й.) билан Алимент тўловлари жамғармаси тўғрисидаги низом тасдиқланди. Унга кўра, қайси ҳолатда болаларга Алимент тўловлари жамғармасидан алимент тўлаш тартиби белгилаб берилди.

Низомга кўра, Жамғарма маблағлари вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун қарздор жиноий жавобгарликка тортилган қарздорга нисбатан татбиқ этилади. Бунда ушбу жиноят натижасида етказилган зарарни қоплаб бериш учун жамғарма маблағларидан ундирувчига бирийўла тўланади. Алимент тўловларини қоплаб бериш учун мажбурий ижро ҳаракатини амалга оширган давлат ижрочисининг алимент тўловларини қоплаб бериш тўғрисидаги қарори асос бўлиб ҳисобланади. Алимент тўловлари қарор

олинган кундан бошлаб 2 иш кунидан кечиктирилмаган ҳолда амалга оширилади. Жамғарма маблағлари алимент тўловларини қоплаб бериш учун етарли бўлмаган тақдирда, алимент тўловлари маблағлар келиб тушган кундан бошлаб қопланади. Давлат ижрочиси жамғармадан қопланган алимент тўловлари бўйича қарздордан маблағларни қайтариш бўйича ижро ҳаракатларини амалга оширади. Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари бюджетга олиб қўйилмайди ва улардан кейинги даврда фойдаланилади.

«Ухум» — туризм манзилига айланмоқда

Фориш туманидаги «Ухум» маҳалласи ўзининг тоза ҳавоси, сўлим табиати, зилол сувлари ва ажойиб тоғ-манзаралари билан нафақат республикамиз, балки дунёнинг энг ривожланган давлатлари экотуризм ихлосмандларининг диққатини тортмоқда. Бугун Ухум қишлоғига дунёнинг турли нукталаридан кўплаб сайёҳлар ташриф буюрмоқда.



«Ухум» маҳалласида сайёҳларга хизмат кўрсатадиган бир нечта меҳмон уйлари ташкил этилган. Жорий йилда сайёҳларга хизмат кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида маҳаллада 11 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 8 та савдо мажмуаси, 3 та кичик турдаги ишлаб чиқариш ва 6 та бошқа турдаги объектлар қурилиб, ишга туширилиши мўлжалланган. Ушбу ишларнинг ўз вақтида амалга оширилиши сайёҳларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириб, улар оқимининг кўпайишига хизмат қилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

ҲОЛАТ

Кўрсатилмаган хизмат учун нега ҳақ олинади?

Истеъмолчилар томонидан энг кўп савол йўлланадиган соҳа — коммунал хизматлар билан боғлиқ. Жумладан, газ, электр энергияси, ичимлик сув, иссиқлик манбаи таъминоти ва маиший чиқиндиларни ташиш хизматлари бўйича гоҳида баҳсли ҳолатлар учраб туради.

Агар рақамларга эътибор қаратсак, бу борада Президентнинг виртуал қабулхонаси, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигининг ишонч телефони, электрон почта ҳамда веб-сайт орқали жорий йилнинг ўтган даврида жами 647 та мурожаат келиб тушган. Жумладан, газ таъминоти бўйича қуйидагича мурожаатлар бўлган:

- аҳолига суюлтирилган углеводород газини етказиб берилмаётгани бўйича 50 та;
- газ таъминоти ташкилоти томонидан газ баллони етказиб берилмаётгани бўйича 10 та;
- истеъмолчига етказиб берилган газ баллон техник носозлиги бўйича 8 та;
- шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда табиий газ етказиб берилмаётгани бўйича 160 та;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини ўрнатish, пломбалаш, хотира блокидан чиқариш бўйича 172 та;
- асоссиз қарздорлик ҳисобланаётгани бўйича 247 та.

Уларнинг 647 таси қаноатлантирилиши оқибатида 201 млн. 709 минг сўм истеъмолчи фойдасига ҳал қилинди.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтиш керак. Аксарият

ҳолларда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ талаб қилиш қонунда тақиқланади. Яъни «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг 21-моддасида *сотувчи (ижроочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиши мумкин эмаслиги белгиланган.*

Аммо айрим вазиятларда мана шу каби қонунбузилишлар ҳам учрамоқда. Хўш, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ талаб қилиш қандай юзага келади?

Буни иссиқлик таъминоти мисолида кўрадиган бўлсак, марказлаштирилган тартибда иссиқлик таъминоти ташкилоти ва кўп қаватли уй билан масъулият чегараси белгиланган. Аслида иссиқлик таъминоти шу жойгача етказиб берилади. Кўп қаватли уйнинг ички инженерлик қурилмалари носоз бўлгани сабабли ҳар бир хонадонга белгиланган меъёрдаги иссиқлик қуввати етказиб келиниши таъминланмайди.

Албатта, бу, биринчидан, кўп қаватли уйга хизмат кўрсатувчи компаниянинг айби — ички инженерлик қурилмалари-

нинг соз ҳолатда эмаслиги бўлса, иккинчи ҳолатда иссиқлик таъминоти корхоналари томонидан белгиланган меъёрлардаги иссиқлик энергияси ёки иссиқ сув таъминлаб берилмаслигидир. Лекин шунга қарамай, иссиқ сув ўтган ҳисоблагичлардан ҳақиқатда ўтган сува амалга ошириладиган бўлса, иссиқлик таъминоти бўйича шу хонадоннинг квадрат метри, ҳажмидан келиб чиқиб иссиқлик ҳисобланади.

Иссиқлик амалда меъёр бўйича кўрсатилмайди ёки умуман етказиб берилмайди,

лекин унга нисбатан ҳисоб-ки-тоб кетади. Бунинг оқибатида кўрсатилмаган хизматлар учун асоссиз қарздорлик келиб чиқади. Юқоридаги вазиятда истеъмолчи Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилса, бу ҳақда иссиқлик таъминоти корхонасига муаммо олиб чиқилади ҳамда мазкур хонадонга етказиб берилган иссиқлик таъминотининг сифатини асословчи ҳужжат талаб қилинади.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»-ги қонуннинг

19-моддасига асосан, *ижроочи айрим турдаги ишларни бажариш (хизматлар кўрсатиш) қоидаларида ёки шартномада белгиланган муддатда, ҳажмда ва сифатда ишни бажариши (хизмат кўрсатиши) шарт.*

Бундан ташқари, график асосида маиший чиқиндиларни олиб кетилмаслиги ҳам кўрсатилмаган коммунал хизматларига яна бир мисол бўла олади. *Қаттиқ маиший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги чиқинди тўплаш шохобчаларидан — бир кунда бир маротаба ва яқка тартибдаги турар жой секторидан «сигнал» усулида — уч кунда бир маротабани ташкил қилади. Шунга қараб улар киши бошига белгиланган тарифлар бўйича ойлик ҳисобланади.*

Истеъмолчи маиший чиқинди ташиш хизматларига тўлиқ тўловни амалга оширади. Амалда эса 20 кун, ҳатто икки ойда бир ташиб кетилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Аслида бу аҳолига кўрсатилмаган хизмат ҳисобланиб, қайта ҳисоб-ки-тоб қилиниши зарур.

Нодирбек ЖУМАНИЁЗОВ,
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги мутахассиси.

ТАЪМИНОТЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ
ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?



1104
ГАЗ ТАЪМИНОТИ

газ таъминоти бўлмаганда ёки газ таъминоти қисқариб кетганда



1054
СУВОЗ АВАРИЯ ХИЗМАТИ

сувоз аварияси бўлганда ёки сувоз таъминоти қисқариб кетганда



1154
ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ТАЪМИНОТИ

электрик энергияси таъминоти бўлмаганда ёки таъминоти қисқариб кетганда



71-245-44-58
ТОЛЕВ-СЕРОВИЧАТИ

қўқонувчи ва қўқонувчи бўлмаганда



1159

Ўқитувчиларга катта ойлик беролмасак, имтиёз берайлик

Давлат статистика қўмитаси яқинда энг кўп маошни банк, сўғурта, лизинг, кредит ва IT соҳаси ходимлари олаётганини (ўртача 9 млн. сўм) эълон қилди. Энг камини эса ҳар галгидек ўқитувчи ва шифокорлар (2,5 млн. атрофида) олар экан.



Аслида, энг кўп ойлик ўқитувчиларга тўланиши керак ва бу мамлакат тараққиётига хизмат қилади. Балки бугун ривожланишимиз, ўзгаришимиз жуда-жуда қийин кечаётганининг сабаби шундадир.

Дунё ҳавас қиладиган давлатлар — Швейцарияда ўқитувчилар ойига 6 200 евро, Германияда 4 400 евро, АҚШ ва Финляндияда 3 900 доллар олишади. Францияда ҳафталик 19 соат «нагрузка» учун 3 300 евро тўлашади. Россияда 800 доллар, қўшни Қозоғистонда эса малакасига қараб 1000 долларгача тўлашади. Япония ўқитувчига вазирнинг маоши, императорнинг обрўси ва депутатнинг дахлсизлиги берилгани боис бугун шундай даражага етди. Бу давлатда ўқитувчига 4 000 доллар тўлашади ва мактабларда бир ўринга 20 номзод бор.

Тўғри, юртимизда ўқитувчилар ойлиги 5 йил олдингига қараганда кўтарилган. 2017 йилда ўртача 1,1 млн. сўм берилган бўлса, 2021 йилда 2,3 млн. сўмга етди. Ҳозир

ҳам 5-6 млн. сўм оладиганлар бор. Лекин бунча ойлик олиш учун икки сменада ишлаш, қўшимча юктамалар олиш ва ҳатто имтиҳон топшириши керак.

Айтмоқчи бўлганим, ўқитувчиларга «отнинг калласидек ойлик» беролмас эканмиз, бошқа енгилликлар берайлик. Масалан, олий тоифали ўқитувчилар ҳар йили мажбурий тартибда сиҳатгоҳда бепул дам олсин, бепул даволансин. Уй-жой билан таъминлаш, коммунал ва кредит тўловларда имтиёз берайлик, жамоат транспортида бепул юрсин. Бу бошқа тоифадаги ўқитувчиларга мотивация бўлади. Яъни ўзининг устида ишлайди, ўқийди, изланади, ўрганади ва олий тоифа олишга интилади.

Конституцияда уларнинг мақомини ошириш билан иш битмайди. Давлат келажаги таълим-тарбияга боғлиқ экан, аввало, ЎҚИТУВЧИЛАРНИ РОЗИ ҚИЛАЙЛИК.

Жаҳонгир ЗИЯЕВ.

НУҚТАИ НАЗАР

СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Чўмилиш жойлари нега камайиб кетяпти?

Жазирама ёз кунлари ўтиб борапти — очик сув ҳавзаларида чўмилиш ва ҳордик чиқаришнинг айна пайти. Бироқ аҳоли ва иссиқ кунлар сони ортганига қарамай, мустақиллик йилларида биргина пойтахтда фуқаролар дам олиши учун бирорта сув ҳавзаси барпо этилмади. Шаҳардаги собиқ иттифоқ давридан қолган бор сув резервуарлари йўқ қилинди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ ЭНГ ЙИРИК ШАҲРИ ЎЗ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИГА ҲОЗИР ФАҚАТ ХЛОРЛИ БАСЕЙН ВА АКВАПАРКЛАРДА СУЗИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛИШИ МУМКИН, ХОЛОС. БИРОҚ УЛАРДА ТЕЗ-ТЕЗ ДАМ ОЛИШГА ҲАММА ТОШКЕНТЛИКЛАРНИНГ ҚУРБИ ЕТАВЕРМАЙДИ

Иброҳим ПЎЛАТОВ.

ТОШКЕНТ МЕҲМОНЛАРГА НИМА ТАКЛИФ ҚИЛЯПТИ?

Илгари Тошкентдаги Комсомол кўли (Алишер Навоий номидаги миллий боғ, ҳозирги “Magic City”), Бахт кўли (ҳозирги “Lake City” кўл шаҳарчаси қурилиш майдони), Волгоград кўли (Ғафур Ғулом номидаги боғ), шунингдек, Бобур (ҳозирги Дўстлик боғи) ва Тельман (“Central Park”) боғларидаги бепоул пляжларда кўплаб чўмилувчиларни учратиш мумкин эди. Бундан ташқари, ўтган асрнинг 80-йиллари охиригача кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида болалар учун бассейнлар бўларди. Бугун юқоридагилардан ҳеч бири қолмаган. Ҳозир Тошкент шаҳридаги оммавий сув ҳавзаларидан фақат Бўрижар ва Анҳор каналлари қирғоғида сувга тушадиган бир нечта очик жой қолган, бироқ у ерларда хавфли оқим сабабли панжараларга “Чўмилиш тақиқланади” деган ёзуви тахтачалар илинган. Фавқуллодда вазиятлар вазирлиги ҳар йили тақиқланган жойларда чўмилмаслик тўғрисида огоҳлантиради, бироқ 2022 йилда Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳри ўз аҳолиси ва меҳмонларига фақат хлорли бассейн ва аквапаркларда сузишни таклиф қилиши

мумкин. Бассейн ва аквапаркларнинг кўплиги истеъмолчи муаммосини ҳал қилиши мумкин эди, аммо ёз ойларида сув бўйида тез-тез дам олишга ҳамма тошкентликларнинг қурби етавермайди. Чунки бундай шароитда минимал даражада қулай ва хавфсиз дам олиш учун тўрт кишилик оила ўртача 500-600 минг сўм тўлашга тайёр бўлиши керак. Қолаверса, бундай масканлар одамга табиат билан алоқа қилиш ҳиссини бера олмайди. Улар тўсиқлар билан ўралган ва ҳатто минимал табиий элементлардан: қум ва тошлар, буталар ва дарахтлардан мосуво. Мустақиллик йилларида Тошкент аҳолиси икки бараварга кўпайди, лекин пойтахтда нафақат жамоат пляжлари кўпаймади, балки улар бутунлай йўқ бўлиб кетди. Сўнгги йиллардаги шаҳар боғларини тadbиркорлар ихтиёрига ўтказиш тенденцияси шаҳар ва туман ҳокимликларининг узоқни ўйламаслигини яққол кўрсатиб турибди. Тез фойда олиш учун узоқ муддатли фойдани — аҳоли саломатлигини эътиборсиз қолдираётгани.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚАНЧА СУВ ҲАВЗАСИ БОР?

Маълумотларга кўра, айни пайтда мамлакатимизда 17 минг 777 та очик сув ҳавзаси ҳисобга олинган. Уларнинг 52 таси сув омборлари, 565 таси кўл, 8 минг 880 таси дарё ва каналлардир. Дарё ва каналларнинг эгаси бор, лекин йилдан-йилга чўмиладиган жойлар камайиб борапти. Очик жойда чўмилганда, бахтсиз ҳодисалар кўп учраяпти. Чунки уларда хавфсизлик чоралари ҳал бўлмаган, атрофи ўралмаган, шароит яратилмаган. Илгари вилоят шаҳар, туман марказларида пляжлар бўларди. Мана шу ҳолатга маҳаллий ҳокимлик раҳбарлари эътибор бермай қўйишди. Фақат ёпиқ сув ҳавзалари, яъни бассейнлар фаолият юритяпти. Улардан 33 та йирик бассейн ҳисобга олинган. Унинг 19 таси Тошкент шаҳрида. Бундан ташқари, олий ва ўрта таълим, махсус мактаблар қошида бассейнлар бор. Йирик бассейнлар жуда кам. Оммавий чўмилиш жойлари ҳақида сўз борганда, илгари Тошкент шаҳрида одамлар ёзда

Рохат кўли ёки Ғофур Ғулом парклари ичидаги ҳавзаларда чўмилгани ёдга тушади. Хўш, мана шу сув ҳавзаларининг йўқ бўлиб кетишига нима сабаб бўляпти? — Биринчидан, хизматлар жиҳатидан талаб ошиши бунга сабаб бўляпти, — дейди Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати бош мутахассиси Рауфжон Қосимов. — Пляжга қўйиладиган талаблар бор. Атрофи ўралган, сув тоза бўлиши керак. Қутқарув хизмати ва улар учун кемалар бўлиши, кемаларни бошқара оладиган мутахассислар бўлиши талаб этилади. Штатлар камайиб кетгани сабабли эътиборсизлик натижасида юқорида номлари айтилган пляжлар ёпилиб кетди. Рохат, Бахт кўли ҳам, Чилонзордаги Ғофур Ғулом истироҳат боғи ичидаги кўлда ҳам бир неча йиллардан буён таъмирлаш ишлари давом этапти. У ерда қайиқлар бор, аммо чўмилиш учун шароит йўқ.

Тўғри, шаҳарларни сув ҳавзалари билан таъминлаш узоқ ва қimmat жараёндир. Аммо аномал иссиқ кунлар ва чанг бўронлари кўпайиб бораётганини ҳисобга олсак, бу ўзбекистонликларнинг келажақ авлод фаровонлиги учун зарур бўлган сармоядир. Тошкентдаги мавжуд жамоат сув ҳавзалари вайрон этилмаганида ҳам, улар сони ортиб бораётган аҳоли талабини қондира олмас эди. Қулай яшаш шароитларини яратиш учун шаҳар сув ҳавзалари тармоғини кенгайтириш керак. Эртами-кечми, шаҳарлар сув ҳавзаларини барпо этиш ғоясига қайтади, фақат, афсуски, ўшанда ҳаммасини “нол”дан бошлашга тўғри келади.

БИЛАСИЗМИ?

Сузиш билан шуғулланинг, чунки...

1. Юракка қувват. Мунтазам равишда сувда сузиш машқлари юрак қон-томир тизими учун яхши фойда беради. Чунки сузишни бошлаганингиз заҳоти артериал қон босими меъёрига келади. Юрак мушаги чиниққанлиги боис унинг эластиклиги ортади.
2. Нафас олиш тизимидаги муаммолардан халос этади. Агар бронхит ёки ўпка яллиғланишидан азият чексангиз, шифокор тавсиясига кўра сузиш билан шуғулланишингиз лозим. Чунки бу спорт турида мунтазам нафас машқларини бажаришингизга тўғри келади. Натижада ўпка чиниқади. Бундан ташқари, гипоксия (кислород етишмаслиги)дан халос этади.
3. Асабларни тинчлантиради. Сув танани бўшаштириш хусусиятига эга бўлиб, мушакдаги спазмларни кетказади. Мия тин олиб, уйку ва хотира яхшиланади. Сувга тушгач, барча ташвишларни унутасиз ва руҳий зўриқишлардан халос бўласиз.
4. Остеохондрозни даволайди. Ҳовузда сузиш, аиникса, умуртқа поғонасида муаммолари бор беморларнинг сеvimли машғулотига айланиши лозим. Бу спорт тури умуртқа қийшайишининг олдини олади ва бўғимлар билан боғлиқ артрит хасталикларини даволашда яхши самара беради.
5. Ўздиреди. Бир соат сувда сузиш нақд 500 килокалориядан халос этади. Машғулотларга мунтазам қатнаш натижасида моддалар алмашинуви яхшиланиб, ортиқча сантиметрлар ўз-ўзидан йуқола бошлайди.
6. Семиришни истаганлар учун ҳам фойдали. Қандай қилиб дейсизми? Сузиш машқлари давомида танангиздаги барча мушаклар ишлайди. Мушаклар ҳаракатлангани сари ўсиб бораверади. Натижада ёғлар ҳисобига эмас, айнан мушаклар ҳисобига чиройли қоматга эга бўласиз.
7. Варикознинг олдини олади. Сузиш машғулотида кейин қон айланиши яхшиланади, бундан ташқари, асосий юклама болдир ва оёқ қафтига тушгани учун веналарда йиғилиб қолган қон тарқала бошлайди.

Mahalla

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси

МУАССИС:
«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi» МЧЖ

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан
2019 йил 24 сентябрда
0019 рақами билан давлат
рўйхатидан ўтказилган.

Бош муҳаррир
Бахтиёр АБДУСАТТОВ
«Mahalla» газетаси муҳаррири
Санжар ИСМАТОВ
«Mahalla ko'zgusi» журналы
муҳаррири:
Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Таҳририят манзили:
Тошкент шаҳри, Мустақиллик
шоҳкўчаси, 59-уй.
Индекс: 100192
Телефонлар:
Қабулхона: **71 233-39-89,**
Обуна бўлими: **71 233-10-92.**
Баҳоси келишилган нархда.
Нашр кўрсаткичи: **148**

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри
Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Ўлчаи — А3, 2 босма табоқ,
8 000 нусхада чоп этилди.
Буюртма №: Г-718 1 2 3 4 5 6
Газета таҳририят компьютер марказида
саҳифаланди ва офсет усулида босилди.